



**Борлиқ ато этувчи ва
Раҳми Аллоҳ номи билан**

Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги (2-жилд)

«Андишаи нур» муассасасининг
таржимонлар ва муаллифлар гуруҳи



Al-Mustafa nomli xalqaro
tarjima va nashr etish markazi

Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, -2жилд

«Андишаи нур» муассасасининг таржимонлар ва муаллифлар гуруҳи

Нашр навбати: Биринчи - 2015 - йил / 1436 - ҳижрий

Ношир: Ал-Мустафо номли халқаро таржима ва нашр этиш маркази

Адади: 300 нусха

ISBN: 978-964-195-182-7

آموزش مفاهيم قرآن كريم (جلد ۲)

سال چاپ: ۱۳۹۴ ش / ۲۰۱۵ م / ۱۴۳۶ ق
قیمت: ۱۱۵۰۰۰ ریال
شمارگان: ۳۰۰

مرجع تولید: انجمن اندیشه نور
نوبت چاپ: اول
چاپ: نارنجستان

©Китобнинг барча ҳуқуқлари ношир учун ҳимояланган.

- IRAN, Blv Moallem Ouest (hujjatiyyeh) – fax : +98 25-37839305-9
- IRAN, Blv Mohammad Amin, bifurcation Salariyyeh – Tél.: +98 25-3213133060
fax : +98 25-32133146

pub.miu.ac.ir miup@pub.miu.ac.ir

WE WISH TO ACKNOWLEDGE THE ASSISTANCE OF ALL FOR FINALIZATION OF THIS BOOK

Ношир сўзи

﴿وَلَقَدْ يَسَّرْنَا الْقُرْآنَ لِلذِّكْرِ فَهَلْ مِنْ مُدَكِّرٍ﴾

«Дарҳақиқат, Биз Қуръонни эслатма олиш учун осон қилиб қўйдик. Демак, бирор эслатма олгувчи борми?». (Қамар 17- оят)

Агар эшитиш учун қулоқ, кўриш учун кўз ва англаш учун ақл-онг мавжуд бўлса, башариятнинг сўнгги саодат йўлини кўрсатадиган ва доимо инсонни Ҳақ таолонинг даргоҳига яқинлаштирадиган Аллоҳнинг каломи бўлмиш Қуръон Каримнинг тиловат қилинаётгандаги ёқимли оҳангидан устун ва гўзал қайси бир каломни топа олиш мумкин?

Сизнинг қўлингиздаги қадриятли илмий асарнинг иккинчи жилди ўзбек тилида **Қуръон Карим маъноларини ўрганиш** мақсадида таржима ва таълиф этилди.

Ал-Мустафо номли халқаро таржима ва нашр этиш маркази Андишаи нур номли муассасанинг муаллифлар гуруҳига ушбу асарни ёзгани сабабли ўз ташаккур ва миннатдорчилигини билдириб, ушбу асарни ақл-идрок эгаси бўлмиш барча имонли инсонларга тақдим этади.

**Ал-Мустафо номли халқаро
таржима ва нашр этиш маркази**

Мундарижа

Сўзбоши	11
А. Қуръони Карим маъноларини ўрганишдан кўзланган мақсадлар;	13
В. Мақсадга эришишнинг беш усули;	14
Дарсларнинг тузилмаси;	15
1. Дарснинг ўнга ибораси;	15
2. Таниш ва янги сўзларнинг жадвали;	16
3. Машқлар ва саволлар;	17
4. Қуръони Карим тили;	18
5. Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз;	19
6. Озод машқ;	19
Мухим эслатма	20
Биринчи қисм: Аллоҳни таниш	
17-Дарс: Аллоҳнинг белги-нишолари	23
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	25
Машқлар ва саволлар	26
А. Қайси маъно тўғри?	26
Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?	27
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	31
18-Дарс: Аллоҳнинг сифатлари (1)	34
Азиз Қуръон ўрганувчилар!	34
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	36
Машқлар ва саволлар	37
А. Қайси маъно тўғри?	37
Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?	37
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	42
19-Дарс: Аллоҳнинг сифатлари (2)	46
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	48
Машқлар ва саволлар	49
А. Қайси маъно тўғри?	49

8 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?	49
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	53
20-Дарс: Аллоҳга ибодат	56
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	58
Машқлар ва саволлар.....	59
А. Қайси маъно тўғри?	59
Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?	60
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	64
Иккинчи қисм: Ваҳий ва пайғамбарлик	
21-Дарс: Пайғамбарларнинг вазифаси	71
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	73
Машқлар ва саволлар.....	74
А. Қайси маъно тўғри?	74
Б. Қайси сўзлар, тўғри жавобдир?	75
Фойдали эслатма:	78
Қуръони Карим тили	79
Сўз туркумлари	79
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	81
22-Дарс: Иброҳим пайғамбар (а).....	85
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	87
Машқлар ва саволлар.....	88
А. Қайси маъно тўғри?	88
Б. Қайси сўзлар, тўғри жавобдир?	89
Қуръони Карим тили.....	92
Сўзлар туркумини ўрганиш учун машқ.....	92
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	93
23-Дарс: Мусо пайғамбар (а).....	97
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	99
Машқлар ва саволлар.....	100
А. Қайси маъно тўғри?	100
Б. Қайси сўзлар, тўғри жавобдир?	101
Қуръони Карим тили.....	105
Мозий ва музориъ феъллари	105
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	106
24-Дарс: Ислом пайғамбари (с.а.о)	110
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	112
Машқлар ва саволлар.....	113
А. Қайси маъно тўғри?	113
Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?	113
Қуръони Карим тили.....	117
Ҳарф	117

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз118

Учинчи қисм: Қуръони Карим

25-Дарс: Қуръоннинг нозил бўлиши125

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали127

Машқлар ва саволлар.....128

А. Қайси маъно тўғри?128

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?129

Қуръони Карим тили132

Турдош калималар132

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз134

26-Дарс: Қуръоннинг хусусиятлари (1)138

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали140

Машқлар ва саволлар.....141

А. Қайси маъно тўғри?141

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?141

Қуръони Карим тили145

Калималарнинг ўзаги.....145

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз146

27-Дарс: Қуръоннинг хусусиятлари (2)150

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали152

Машқлар ва саволлар.....153

А. Қайси маъно тўғри?153

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?154

Қуръони Карим тили158

Ваздош калималар.....158

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз160

28-Дарс: Қуръонда Таврот ва Инжил164

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали166

Машқлар ва саволлар.....167

А. Қайси маъно тўғри?167

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?168

Қуръони Карим тили172

Калималар вазни.....172

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз174

Тўртинчи қисм: Вилоят (Пешволик)

29-Дарс: Аллоҳнинг эгаллиги ва ҳукмронлиги181

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали183

Машқлар ва саволлар.....184

А. Қайси маъно тўғри?184

Б. Қайси ибора, тўғри жавобдир?184

Қуръони Карим тили189

10 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Музақкар ва муаннас	189
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	192
30-Дарс: Аллоҳнинг ҳидояти.....	195
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	197
Машқлар ва саволлар.....	198
А. Қайси маъно тўғри?.....	198
Б. Қайси ибора, тўғри жавобдир?	199
Қуръони Карим тили	203
Бирлик, иккилик, кўплик.....	203
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	205
31-Дарс: Аллоҳнинг вилояти (йўлбошчилиги)	209
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	211
Машқлар ва саволлар.....	212
А. Қайси маъно тўғри?.....	212
Б. Қайси ибора, тўғри жавобдир?	213
Қуръони Карим тили.....	217
Кўплик шакли.....	217
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	219
32-Дарс: Пайғамбарлар ва ворисларнинг вилояти	223
Таниш ва янги сўзларнинг жадвали	225
Машқлар ва саволлар.....	226
А. Қайси маъно тўғри?.....	226
Б. Қайси ибора, тўғри жавобдир?	227
Қуръони Карим тили.....	231
Кўпликнинг турлари.....	231
Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз	233
Сўзларнинг алифбо тартибидаги мундарижаси	237

Сўзбоши

﴿هُدَا بَيَانٌ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ﴾

«Бу (Қуръон) одамлар учун (тўғри йўлни) баён қилувчи ва тақводорлар учун ҳидоят ва панд-насиҳатдир.» (Оли Имрон, 138-оят)

Инсонлар учун тўғри йўлни баён қилувчи ва тақво эгалари учун ҳидоят ва панд-насиҳат бўлмиш ушбу илоҳий китоб, яъни Қуръони Каримнинг маъно-мафҳумларини фаҳмлаш ва унинг ибораларини сўзма-сўз таржима қилиш араб тилини билмайдиган шахслар учун зарур эканлиги шубҳасиздир.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун, Қуръони Карим маънолари таржимасини осонлик билан ўрганиш услубини қўлга киритиш мақсадида охириги йигирма йил давомида кўп саъй-ҳаракатлар қилинди. Бунинг натижасида бу хусусда амалиётда қўлланадиган янги илмий услублар кашф этилди. Ушбу китоб янги илмий услублар иштиёғи бўлган шахсларга Қуръони Карим маъно-мафҳумларини тез орада ўзлаштириб, нурафшон тафсир водийсига дохил бўлишга кўмак этади. Қуръони Каримнинг амалда кўп қўлланадиган ва такрорланиб келадиган сўз ва ибораларини ўргатиш сўнгги таълимий услублар жумласидандир. Ушбу китобнинг биринчи жилдида

12 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

айтиб ўтганимиздек, Қуръони Карим тахминан 78 мингга яқин сўздан ташкил топган бўлиб, уларнинг кўпи такрорланиб келган.

Қўлингиздаги Қуръони Карим маъноларини ўрганиш учун ҳозирланган тўрт жилдди китобда чамаси учдан икки қисми амалда кўп қўлланадиган (ўн мартадан ортиқ такрорланган) Қуръоннинг 1460 дан ортиқ сўз ва иборалари келтирилиб, Қуръони Карим оятларидан фойдаланган ҳолда янгича таълим бериш тизими баён этилган. Шу тизимда азиз Қуръон ўрганувчилар мазкур сўз ва иборалардан ташкил топган Қуръони Каримнинг кўпгина содда ва осон оятларини таржима қилиш қобилиятига эга бўладилар. Қуръони Каримнинг деярли барча асосий таълимотлари мана шу содда ва осон оятларда келганини назарга олган ҳолда Қуръоннинг бу турдаги таълимотларига эришиш осон бўлади, деган умиддамиз.

Қуръон ўрганувчилар ушбу таълим тизимида Қуръоннинг амалда кўп қўлланадиган сўз ва ибораларидан 766 дан ортиқ сўзларнинг маъноси билан танишадилар. Ўрта маълумотга эга бўлган биродарларимиз ва опа-сингилларимиз меҳрибон Аллоҳнинг мадади ва ўзларининг мустаҳкам ирода-истаклари билан Қуръони Карим маъно-мафҳумларини ўрганишга киришиб, ушбу тўрт жилдлик китобнинг жозибадор ва содда услуби орқали Қуръоннинг кўпгина осон оятларини таржима қилиш қобилиятига эга бўлиб, Қуръони Каримнинг 86% дан ортиқ сўз ва ибораларини ўрганиб оладилар. Таъкидлаш лозимки, 86% сўзларнинг маъносини ўрганиш бу – Қуръон оятларининг таржимасини шу миқдорда билиш, дегани эмас. Зеро, Қуръон оятларининг таржимасида сўз ва ибораларнинг маъносини билишдан ташқари бошқа нарсаларни ҳам билмоқ

зарур бўлиб, Қуръон ўрганувчилар бу тўрт жилдли китобда фақат уларнинг айримлари билан танишадилар.

Сиз азизлар ушбу китобдаги дарсларнинг тузилмаси билан кўпроқ таниш бўлишингиз учун, ҳар бир дарснинг турли қисмларини изоҳлаймиз. Бундан олдин, сизнинг эътиборингизни икки муҳим масалага; Қуръон маъноларини ўрганишдан кўзланган мақсадлар ва унинг асосларига жалб этамиз:

А. Қуръони Карим маъноларини ўрганишдан кўзланган мақсадлар;

Қуръони Карим маъноларини ўрганишдан кўзланган мақсадлар қуйидагилардан иборат:

1. Қуръони Каримда кўп қўлланадиган сўз ва ибораларнинг маъносини аста-секинлик билан тушуниш
2. Алоҳида ва сўзма-сўз услубда Қуръоний бирикма ва ибораларни таржима қила олиш қобилияти
3. Қуръони Каримнинг осон оятларини таржима қилиш учун маҳорат касб этиш
4. Қуръони Карим билан улфатлашиш ва узлуксиз қироат қилиш ёғдусида кўпгина Қуръон оятларининг таълими ва сабоқини тушуна олиш қобилияти
5. Шахсий ва ижтимоий ҳаётда Қуръоннинг кўрсатмаларига амал қилиш ва Қуръоний одоб-ахлоқ билан зийнатланиш учун замин яратиш

Шубҳасиз, ушбу китоб муаллифлар нигоҳидан Қуръон билан улфатлашишнинг бошланиш босқичи бўлиб, Қуръон ўрганувчиларнинг тафсир илмига бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Балки, унда Қуръонни чуқур ва аниқ фаҳмлашга

14 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

бўлган ҳожатмандлик ҳиссини кучайтиради ва унинг Қуръон таълимотларини ўрганишга бўлган иштиёқини оширади.

В. Мақсадга эришишнинг беш усули;

Азиз Қуръон ўрганувчилар юқорида зикр этилган мақсадларга эришиш учун қуйидаги усулларга эътибор қаратмоқлари лозим:

1. Тадриж ва аста-секинлик усули; Қуръони Каримнинг 1460 дан ортиқ сўз ва ибораларини 64 дарс орқали ўзлаштириб олиш учун, Қуръон ўрганувчилар ушбу сўз ва ибораларни тадрижан ва аста-секинлик билан ўрганиб олиб, хотираларида сақламоқлари керак. Бошқача айтганда, ҳар бир дарсдаги Қуръоний иборалар ва уларнинг маъноларини ўз ўрнида ўрганиб олишлари керак бўлади.

2. Такрорлаш ва машқларни ечиш усули; Машқларни хилма-хил келтириш, Қуръоний сўз ва ибораларни турли хил шаклларда баён этиш билан мазкур усулга риоя қилинган, шарти шуки, муҳтарам Қуръон ўрганувчилар ҳамма машқларни диққат ва иштиёқ билан бажаришга азму қарор қилсинлар.

3. Мунтазам ва узлуксиз равишда давом эттириш усули; Қуръони Карим маъноларини ёд олиб фақат мунтазам саъй-ҳаракат қилиш билан, давом эттирган ҳолдагина ушбу таълим олиш тизими фойдали ва самарали бўлади. Чунончи, ҳар дарсни ёд олиб ўзлаштириш бир ҳафтага мўлжалланган бўлса, ора бир кун ва уч навбатда машқларни бажаришга бел боғланг ва дарсларни ўзлаштириш муддатида ўртага вақт тушишига йўл қўйманг.

4. Мустаҳкамлаш усули; Ёд олиб ўрганган масалаларингизни мустаҳкамлаб олиш учун, ушбу тавсияларга амал қилинг:

Биринчи; Кўпчилик (2 ёки 3 киши) бўлиб, дарслар юзасидан мубоҳаса ва муколама ўтказинг.

Иккинчи; Қуръони Карим маъноларини ўрганиш китобининг ҳар бир жилдини пухта ўрганиб олгач, унинг дарсларини хоҳловчи шахсларга таълим беринг.

5. Қизиқтириш усули; Сиз азиз Қуръон ўрганувчилар тўрт усулни, яъни тадриж, такрорлаш ва машқларни ечиш, давом эттириш ҳамда мустақамлашни инобатга олиб, тавсияларга амал қилсангиз, сизнинг Қуръони Каримга ва унинг оятлари маъно-мафҳумини фаҳмлашга бўлган қизиқишингиз янада ошади. Бу масаланинг ўзи Қуръони Карим маъноларини таълим олишни давом эттиришингизга сабаб бўлиб, сизда туртки ва иштиёқ яратади.

Дарсларнинг тузилмаси;

Дарсларнинг сарлавҳаси ва тузилмаси қуйидагилардан иборат:

1. Дарснинг ўнга ибораси
2. Таниш ва янги сўзларнинг жадвали
3. Машқлар ва саволлар
4. Қуръони Карим тили
5. Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз
6. Озод машқ

Азиз Қуръон ўрганувчилар кўпроқ маълумотга эга бўлишлари учун, мазкур сарлавҳаларнинг ҳар бирига изоҳ бериб ўтамыз.

1. Дарснинг ўнга ибораси;

Ўнтадан ташкил топган иборалар ҳар дарснинг бошланиш қисми бўлиб, Қуръон оятлари ва ибораларини ташкил этади.

16 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Ҳар бир дарсни ўрганиш ушбу ўнта иборани мутолаа ва қироат қилиш билан бошланади.

Ушбу ибораларни қироат қилишдан қўзланган бош мақсад, Қуръони Карим матнини равон ўқишдир. Иккинчи мақсад эса, ушбу ибораларни илк бора ўқиш билан уларни қай даражада таржима қила олиш қобилиятига эга эканингизни чамалаб кўришдир.

Дарсинг ҳамма машқларини ечиш, ушбу ибораларнинг маъносини тушуниб таржима қилишга замин яратади.

Барча машқларни бажариб бўлгач, ушбу ўнта Қуръоний ибораларни сўзма-сўз таржима қилиш дарсинг сўнгги машқи ҳисобланади.

Ушбу ўнта иборани таржима қилишда қийинчилик ва нотавонлик ҳис қилсангиз, берилган машқларни яхши ва пухта бажармаганингизни тан олиб, уларни қайтадан кўриб чиқинг.

Ушбу ибораларни таржима қилаётиб, дарсинг мавзуси билан оятларнинг маъно-мафҳуми ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топинг.

2. Таниш ва янги сўзларнинг жадвали;

Шундай сўзларга *«таниш сўзлар»*, деб айтиладики, улар;

Ўзбек тили ва адабиётида қўлланилган ва сиз уларнинг аксари билан танишсиз. Масалан: «молик, эга: مَالِك»

Кундалик суҳбатингизда уларни бир неча маротаба қўллагансиз ва улар сизнинг фикрингизга таниш сўзлардир. Масалан: «фарқ, ихтилоф: اِخْتِلَاف»

Бундай сўзларни келтиришдан мурод, Қуръон ўрганувчиларнинг маълумотидан фойдаланиб, кўплаб Қуръон ибораларини тушуниш осон эканлигини кўрсатишдир. Китобдаги

дарслар сўзларининг 30% дан ортиғи таниш сўзлардан иборат.

Аммо янги сўзлар эса, эҳтимол илк бор улар билан танишаётган бўлиб, уларнинг маъносини билмасиз. Бу сўзлар ҳар дарсда одатда чамаси 14 сўзни ўз ичига олади. Ушбу китобнинг дарсларида келтирилган янги сўзлар сони 750 сўздан ортиқроқдир.

Азиз Қуръон ўрганувчилар дарс сўзлари (таниш ва янги сўзлар)ни яхши ўрганиб олиш учун саъй-ҳаракат қилингиз. Зеро, сўзларнинг маъносини мукамал ўрганиб олмаганингиз тақдирда, дарснинг Қуръоний ибораларини таржима қилиш сизларга мумкин бўлмайди.

3. Машқлар ва саволлар;

Бу қисм қуйидаги беш машқни ўз ичига қамраб олади:

«**Биринчи машқ**»; Таниш ва янги сўзларнинг жадвалида келтирилган сўз ва ибораларнинг маъноларини мустақам ўрганишга қаратилган. Ушбу машқни бажараётиб, бирор сўзнинг маъносини эслай олмасангиз ёки унинг маъносида шубҳага борсангиз, дарров сўзларнинг жадвалига мурожаат қилинг. Сўзлар жадвалига такроран мурожаат этиш сўзларни яхшироқ ўрганишга олиб келади.

«**Иккинчи машқ**»; Икки жавобли машқлар бўлиб, сизларга бирикмалар ва ибораларни таржима қилишингизда ёрдам бўлиши учун режалаштирилган. Агар дарс ибораларида бирор бир қийин ибора мавжуд бўлса, одатда ушбу машқда келтирилади.

«**Учинчи машқ**»; Қисқа бирикмалар ва ибораларни таржима қилишга ихтисосланган. Ушбу машқда ҳар бирикма ва иборани таржима қилишдан олдин, унинг сўзларини бир-биридан ажратишга ҳаракат қилинг. Токи, ҳар бир бирикмани таржима

18 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

қилишда ҳеч бир сўзнинг маъноси ташлаб ўтилмасин. Мисол тариқасида остки намуналарга диққат қилинг:

Фаришталар учун: لِّلْمَلَائِكَةِ - لَ + الْمَلَائِكَةِ

Парвардигорингиз: رَبُّكُمْ = رَبُّ + كُمْ

Ўз жонлари билан: بِأَنْفُسِهِمْ = بِ + أَنْفُسِهِمْ + هُمْ

Сизларга ризқ қилиб берганимиз: مِمَّا رَزَقْنَاكُمْ = مِنْ + مَا + رَزَقْنَا + كُمْ

нарсадан

«**Тўртинчи машқ**»; Энг охирги машқни, яъни дарс матнининг ўнга иборасини ҳал қилишингиз учун, сизни дарсга тайёрлаш мақсадида режалаштирилган.

«**Бешинчи машқ**»; Дарс матнининг ўнга иборасини сўзма-сўз ва аниқ шаклда таржима қилишдан иборат. Бу Қуръоний иборалар бирор мавзу сифатида сараланган бўлиб, Қуръон оятларини таржима қилишда малакангиз ошиши билан биргаликда, тадрижан ва аста-секин Қуръони Карим таълимотлари билан ҳам танишиб борасиз.

4. Қуръони Карим тили;

Араб тили бўлмиш Қуръони Карим тилини ўрганиш ушбу китобнинг дарсларида фақат амалиётда қўлланиш томони инобатга олинган бўлиб, ушбу машғулот тўғридан тўғри араб тили ва адабиётини ўргатиш мақсадида тузилмаган. Бинобарин, амалда кўп қўлланадиган сўзларни келтириш билан бир қаторда араб тили ва адабиётига доир айрим масалалар тамоман осон ва содда шаклда ҳамда зарур миқдорда айтиб ўтилади. Мисол тариқасида; турдош калималар ва вазндош калималар билан танишиш, бирлик, иккилик ва кўплик исм (от)ларни тузатиш тарзи, исм фозил, исм мафъул, мозий ва музореъ феълларни таниш ва шунга ўхшаш масалаларга эътибор қаратилган.

5. Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз;

Қуръони Карим маъноларини ўрганиш учун бирор муайян мавзуга тегишли Қуръон оятларини амалда кўп қўлланадиган сўзларни асос қилиб саралаш ўта машаққатли бир ишдир. Аммо ушбу китобнинг муаллифлари қуйидаги сабабга кўра, бу қийинчиликни астойдил қабул қилдилар:

Қуръон ўрганувчилар Қуръоннинг кўплаб оятларини таржима қилиш қобилиятига эга бўлишлари билан биргаликда, Қуръоннинг умумий шаклдаги ўн икки мавзусига оид айрим оятлар билан танишиб оладилар. Ушбу ўн икки мавзунинг ўзи 62 та кичик мавзуларни ўз ичига қамраб олади ва бу эса арзигулик ва амалда қўлланадиган бир мақсадни таъминлайди. Зеро, Қуръон ўрганувчи биродарларимиз ва опа-сингилларимиз мазкур мавзулардан шахсий ва ижтимоий ҳаётларида баҳра олишлари кўзда тутилган. Айниқса агар ушбу оятларни ёд олсалар, эътиқодий, ижтимоий, сиёсий ва ахлоқий масалаларда улардан фойдалана оладилар.

6. Озод машқ;

Ушбу машқ Қуръони Карим оятларини таржима қилишга кўпроқ иштиёқи ва қобилияти бўлган махсус Қуръон ўрганувчилар учун тузилган. Ушбу дарсларнинг ҳосили улар учун бир неча баробар бўлади. Шу шарт биланки;

Биринчидан, дарснинг ўнга Қуръоний ибора ва оятларини таржима қилишда диққат қилиш ҳамда устознинг раҳнамолигида амалга оширилган саҳиҳ ва тўғри таржимадан фойдаланиб, ўз таржимангизни баҳолашдан ғафлатда қолмаслик;

Иккинчидан, озод машқни тўғри таржима қилганингизга

ишонч ҳосил қилиш учун, араб тили ва унинг луғатини яхши билган таниш дўстларингизнинг маслаҳатидан ва ниҳоят устознинг кўмагидан фойдаланиш ва кейин эса, озод машқнинг ибораларидаги янги сўзларнинг маъноларини ёд олиш сиздан кутилади.

Муҳим эслатма

Қуръони Карим маъноларини ўрганишга қизиқиши ва иштиёқи бўлган сиз азиз ўқувчиларга ушбу тўрт жилдли китобни дарсга қатнашиб, билимли муаллимнинг назари остида ўқишингизни тавсия этамиз. Дарсга ва устозга қўлингиз етмаган тақдирда сиртки ўқиш тарзда мубоҳаса ва муколама қиладиган бир гуруҳ тузиб таълим олишни йўлга қўйинг. Бунинг учун, ҳар бир дарсни муколамачи дўстингиз билан биргаликда ўқиб ўзлаштиринг ва унинг машқларини биргаликда маслаҳатлашиб, диққат билан бажаринг.

Суҳбатимиз пировардида сиз муҳтарам биродарлар ва опасингилларни Қуръони Карим маъно-мафҳумлари ва уларнинг таржимасини ўрганишга бел боғлаб, Аллоҳ Каломининг мухотаби бўлганингиз учун, табриклаймиз ва меҳрибон Тангрининг Ўзидан биз ва сизларни ушбу нуруний йўлга қадам қўйиб, уни охирга қадар давом эттиришда муваффақ бўлишимизни ожизона сўраймиз.

«**Андишаи Нур**» Муассасасининг Муаллифлар Гуруҳи

Биринчи қисм
Аллоҳни таниш

17-Дарс

Аллоҳнинг белги-нишолари

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг. Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз ибораларни + кўрсаткичи билан белгиланг.

(Ҳамд: 1) ﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ﴾ .1

(Раъд: 3) ﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾ .2

(Раъд: 4) ﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾ .3

(Наҳл: 11) ﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾ .4

(Наҳл: 67) ﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾ .5

(Анкабут: 44) ﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ﴾ .6

24 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

(Рум: 20)

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ﴾

.....

(Рум: 22)

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ أَلْسِنَتِكُمْ وَالْوَالِدِكُمْ﴾

.....

(Фуссилат: 37)

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ﴾

.....

(Шуро: 29)

﴿وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

.....

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Таниш ва янги сўзларнинг маъносини ўқиб ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг. Ундан кейин, оила аъзоларингиздан бири, сўзларни ва уларнинг маъноларини сиздан сўрасин. То сўзларнинг маъноларини билишингизга ишонч ҳосил қилинг.

Маънолар	Янги сўзлар		Маънолар	Таниш сўзлар	
тиллар	اللِّسَّة	۱	оят-мўъжиза, белги	آيَة	۱
билан, га	بِ	۲	оят- мўъжизалар, белгилар	آيَات	۲
эканлиги, лиги	أَنَّ	۳	алмашиб туриш, хилма-хиллик	إِخْتِلَاف	۳
албатта, зотан	إِنَّ	۴	ер	أَرْض	۴
турпоқ	تُرَاب	۵	Аллоҳ, Худо, Тангри	الله	۵
яратди	خَلَقَ	۶	ранглар	ألوان	۶
у, ушбу	ذَلِكَ	۷	ном, исм	إِسْم	۷
да	فِي	۸	яратиш, яратмоқ, яратилиш	خَلَقَ	۸
сизнинг, сиз	كُم	۹	Борлиқ ато этувчи	رَحْمَن	۹
шубҳасиз, дарвоқе	لَا	۱۰	раҳмли	رَحِيم	۱۰
учун, га	لِ	۱۱	осмонлар	سَمَوَات	۱۱
тун, кечқурун	لَيْلٍ - لَيْلَة	۱۲	қуёш	شَمْس	۱۲
дан	مِنْ	۱۳	ой	قَمَر	۱۳

26 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

кундуз	نَهَار	۱۴	қавм, гуруҳ	قَوْم	۱۴
унинг, у	هُـ	۱۵	мўъминлар, иймонлилар	مُؤْمِنِينَ - مُؤْمِنُونَ	۱۵
тафаккур қиладилар фикр юритадилар	يَتَفَكَّرُونَ	۱۶	ва	وَ	۱۶
ақл юргизадилар ақл ишлатадилар	يَعْقِلُونَ	۱۷			

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

а) сахро

б) ер

۱. أَرْض:

а) осмонлар

б) осмон

۲. سَمَوَات:

а) белгилар

б) йўллар

۳. آيَات:

а) яратилди

б) яратди

۴. خَلَق:

а) сен

б) сизлар

۵. كُمْ:

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. борлиқ ато этувчи:

الف (الف) رَحْمَن

ب (ب) رَحِيم

2. яратилиш:

الف (الف) خَلَقَ

ب (ب) خَلَقَ

3. албатта, зотан:

الف (الف) إِنَّ

ب (ب) أَنْ

4. у, ушбу:

الف (الف) ذَلِكَ

ب (ب) فِي

5. унинг:

الف (الف) لَ

ب (ب) وَهُ

Эслатма!

Азиз Қуръон ўрганувчилар қуйидаги масалага диққат қилинг; Қуръоний ибораларни таржима қилиш қобилияти сўзма-сўз ва алоҳида таржима қилишдан бошланади ва аста-секинлик билан равон ва чиройли таржима қилишга олиб келади. Шунинг учун, Қуръоний иборалар ва оятларни сўзма-сўз шаклда таржима қилинг. Мисол тариқасида, қуйидаги намуналарни келтирамыз.

﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

Ҳамд-мақтов Аллоҳ учун оламларнинг парвардигори

﴿قُلْ هُوَ اللَّهُ أَحَدٌ﴾

Айт У Аллоҳ ягонадир.

Қисқа бирикма ва ибораларни маъно қилишда чуқурроқ

28 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

ишонч ҳосил қилиш учун, сўзларни таржима қилишдан олдин, уларни ўз фикрингизда бир-биридан ажратинг. Ушбу тарзда;

لَّهِ = ل + اللّٰه
لَكُمْ = ل + كُمْ
آيَاتِهِ = آيَات + هـ
الْسِّنَتِكُمْ = السِّنَةِ + كُمْ

Иккинчи машқ: Ҳар бир иборанинг тўғри маъносини × аломати билан белгиланг.

۱. وَمِنْ آيَاتِهِ:

- а) Ва Унинг оят-белгисидан.
- б) Ва Унинг оят-мўъжизаларидан.

۲. خَلَقَ السَّمَوَاتِ:

- а) Осмонларни яратди.
- б) Осмонларнинг яратилиши.

۳. اِخْتِلَافُ السِّنَتِكُمْ:

- а) Рангларингизнинг хилма-хиллиги.
- б) Тилларингизнинг хилма-хиллиги.

۴. لَا يَاتِ:

- а) Оят-мўъжизалар учун.
- б) Шубҳасиз, оят-белгилар.

۵. لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ:

- а) Ақл юргизадиган қавм учун.
- б) Амал қиладиган қавм учун.

Эслатма!

إِنَّ فِي ذَلِكَ لآيَاتٍ:

Албатта, унда шубҳасиз оят-мўъжизалар бор...

Иккинчи таъкиднинг маъноси (шубҳасиз: لَ) дан юз ўтириб, ушбу шаклда таржима қилинса, яхшироқ бўлади: «**Албатта,**

унда оят-мўъжизалар бор.»

Бошқа сўз билан айтганда, «إِنَّ» билан бошлаган жумлаларда ﴿﴾ ни таржима қилишга ҳожат йўқдир.

Учинчи машқ: Ушбу дарс ва олдинги дарсларнинг сўзларини ёд олгач, қуйидаги Қуръоний ибораларни таржима қилинг.

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	بِسْمِ اللَّهِ	۱
	الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ	۲
	وَمِنْ آيَاتِهِ	۳
	خَلْقَ السَّمَوَاتِ	۴
	أَنْ خَلَقَكُمْ	۵
	مِنْ تُرَابٍ	۶
	اِخْتِلَافَ أَلْسِنَتِكُمْ	۷
	إِنَّ فِي ذَلِكَ	۸
	لآيَاتٍ	۹
	لِلْمُؤْمِنِينَ	۱۰

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдиринг:

۱. وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَكُمْ مِّنْ تُرَابٍ

Ва Унинг оят-мўъжизаларидандир яратганлиги дан.

۲. وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ

Ва Унинг дандир осмонлар ва

۳. إِنَّ فِي ذَلِكَ لآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

Албатта, оят-белгилар бор қавм

۴. إِنَّ فِي ذَلِكَ لآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ

Унда мўъминлар учун

30 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Бешинчи машқ: Биринчидан тўртинчи машққача бўлган машқларни бажаргач, энди эса биринчи бетдаги дарснинг Қуръоний ибораларини таржима қилиш навбати етиб келди. Ҳар бир ибора ва оятни яна бир марта диққат билан ўқинг ва кейин эса, уларни сўзма сўз таржима қилиб, остига ёзинг.

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Аллоҳнинг белги-нишоналари

Аллоҳни танишнинг энг осон ва содда йўлларида бири, Унинг яратган нарсалари ҳақида фикр юритишдир. Қуръони Каримда табиатнинг кўпгина манзаралари «*Оят*» сифатида, яъни Аллоҳнинг белги ва нишоналари сифатида тилга олинган.

Дарс оятларида кўриб чиққанингиздек, Қуръони Карим осмонлар ва ернинг яратилишини Аллоҳнинг оят-белгиларидан, деб ҳисоблайди: ﴿وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾ Тун ва кун, қуёш ва ойни Аллоҳ борлигининг ёрқин белги ва нишонаси деб, таништиради: ﴿وَمِنْ آيَاتِهِ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ﴾ Инсоннинг тупроқдан яралишини; ﴿وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ﴾ Инсонлар ўртасидаги тилларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг ранглари турлича бўлганини; ﴿وَإِخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ﴾ ва буларнинг ҳаммасини Аллоҳнинг оят-мўъжизалари, ҳикматли ва қодир парвардигорнинг белги ва аломатлари деб, уқтирган.

Шубҳасиз, борлиқ оламнинг яратилиши ва ундаги турли махлуқот ва ашёлар, ягона Яратувчи борлигининг очиқ белги ва нишоналаридир, бироқ ҳамма учун эмас, балки ақл ва фикрини ишлатадиган инсонлар учун; ﴿لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ﴾ ﴿لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ﴾ Ҳамда вужудидаги илоҳий фитрат нидосига қулоқ солиб, таслим бўлган иймонли инсонлар учун; ﴿إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ﴾ Бундай зотлар Аллоҳ таолони борлиқ олам кўзгусида мушоҳада қилиб, ушбу ҳақиқатга инонадилар.

32 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Озод машқ: Қуръони Карим оятларини таржима қилишга кўпроқ иштиёқи ва тайёргарлиги бўлган азиз Қуръон ўрганувчилар қуйидаги машқларни кўрсатилган сўзларнинг маъносидан фойдаланиб, таржима қила оладилар. Таниш сўзларнинг остига чизиб қўйилган.

Янги ва таниш сўзлар	Қуръоний иборалар ва оятлар
<p>агар: إِنْ эдингиз, бўлсангиз: كُنْتُمْ</p>	<p>۱. إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّكُمْ إِنْ كُنْتُمْ مُؤْمِنِينَ (Оли Имрон: 49)</p> <p>.....</p>
<p>эштадилар, يَسْمَعُونَ: эштадиганлар</p>	<p>۲. إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَسْمَعُونَ (Юнус: 67)</p> <p>.....</p>
<p>ким, кимса, шахс: مَنْ қўрқди, қўрққан: خَافَ охират азоби: عَذَابِ الْآخِرَةِ</p>	<p>۳. إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّمَنْ خَافَ عَذَابَ الْآخِرَةِ (Худ: 103)</p> <p>.....</p>
<p>биладилар, يَعْلَمُونَ: биладиганлар</p>	<p>۴. إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَعْلَمُونَ (Намл: 52)</p> <p>.....</p>
<p>ўзингиз: أَنْفُسِكُمْ жуфтлар: أَزْوَاجٍ</p>	<p>۵. وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا (Рум: 21)</p> <p>.....</p>

1. **أَنْفُسٍ**: ўзлар, жонлар.

<p>مَنَام: уйқу بِ: га, билан, да</p>	<p>٦. وَمِنْ آيَاتِهِ مَنَامُكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ (Рум: 23)</p> <p>.....</p>
<p>يُرْسِلُ: юборади, يُؤَلِّدُ: йўллайди رِيَّاح: шамоллар, еллар</p>	<p>٧. وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ يُرْسِلَ الرِّيحَ (Рум: 46)</p> <p>.....</p>
<p>تَضْرِبُ: йўналиш, يُنْفِثُ: йўналтирилиш يَعْقُلُونَ: ақл يُورِثُونَ: юргизадилар</p>	<p>٨. وَتَضْرِبُ الرِّيحُ آيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ (Жосия: 5)</p> <p>.....</p>

18-Дарс Аллоҳнинг сифатлари (1)

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг.
Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз
ибораларни + кўрсатгичи билан белгиланг.

(Ҳамд: 2)

۱. ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ﴾

(Бақара: 143)

۲. ﴿إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرُؤُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

(Бақара: 255)

۳. ﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ﴾

(Бақара: 282)

۴. ﴿وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

(Оли Имрон: 6)

۵. ﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾

(Нисо: 106)

﴿وَاسْتَغْفِرِ اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا﴾. 6

.....

(Наҳл: 70)

﴿إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ قَدِيرٌ﴾. 7

.....

(Фотир: 31)

﴿إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِ لَخَبِيرٌ بَصِيرٌ﴾. 8

.....

(Ғофир: 20)

﴿إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾. 9

.....

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Энди эса, таниш ва янги сўзларни маъноси билан ўқиб ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг. Ундан кейин, оила аъзоингиздан бирор шахс билан, сўзларни ва уларнинг маъноларини бир-бирингиздан сўрашга аҳд қилингиз. То сўзларнинг маъноларини билишингизга ишонч ҳосил қилинг.

Маънолар	Янги сўзлар		Маънолар	Таниш сўзлар	
Кечирим сўра, мағфират сўра	إِسْتَغْفِرُ	۱	илоҳ, маъбуд	إِلَٰه	۱
шафқатли, ўта меҳрли	رَوْوْف	۲	илло, магар, дан бошқа, дан ўзга	إِلَّا	۲
тирик	حَيٌّ	۳	кўрувчи	بَصِير	۳
хабардор, огоҳ	خَبِير	۴	ҳамду сано, мақтов, олқиш	حَمْد	۴
эшитувчи	سَمِيع	۵	ҳикматли	حَكِيم	۵
нарсa	شَيْء	۶	парвардигор, рабб	رَبِّ	۶
юксак, баланд мартабали	عَلِيٌّ	۷	оламлар	عَالَمِينَ	۷
билувчи, доно	عَلِيم	۸	иззатли, енгилмас	عَزِيز	۸
ўта мағфиратли, ўта кечирувчи	عَفُور	۹	бандалар, қуллар عِبْد нинг қўплиги	عِبَاد	۹
абaдий турувчи, мустаҳкам	قَيُّوم	۱۰	буюк, улуғ, улкан	عَظِيم	۱۰
эди, -дир	كَانَ	۱۱	қудратли, қодир	قَدِير	۱۱
йўқ, эмас	لَا	۱۲	ҳамма, барча, ҳар	كُلِّ	۱۲
нарсa, нима	مَا	۱۳	Инсонлар, халқ	نَاس	۱۳
у	هُوَ	۱۴			۱۴

1. ма сўзи бир неча маънога эга. Бошқа маънолари эса, кейинги дарсларда келади.

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

۱. إِلَه:

- а) илоҳ, маъбуд
- б) парвардигор

۲. عَالَمِينَ:

- а) икки олам
- б) оламлар

۳. عَظِيم:

- а) юксак
- б) буюк

۴. مَا:

- а) нарса, нима
- б) ким, кимса

۵. كَانَ:

- а) бўлади
- б) эди, дир

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. магар, дан бошқа:

(الف) إِلَّا

(ب) لَا

2. иззатли:

(الف) عِزَّة

(ب) عَزِيز

38 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

3. парвардигор:

الف (الف) الله

ب (ب) رَبِّ

4. қудратли:

الف (الف) قَدِير

ب (ب) خَيْر

5. ўта мағфиратли:

الف (الف) رُوْف

ب (ب) غُفُور

Иккинчи машқ: Машқнинг Қуръоний ибораларини диққат билан ўқинг ва тўғри таржимани белгиланг.

١. إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ:

а) Албатта, Аллоҳ эшитади.

б) Албатта, Аллоҳнинг ўзи эшитувчидир.

٢. إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِ لَخَبِيرٌ:

а) Зотан, Аллоҳнинг бандалари огоҳдирлар.

б) Албатта, Аллоҳ бандаларидан¹ хабардордир.

٣. إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا:

а) Албатта, Аллоҳ ўта мағфиратлидир.

б) Аллоҳ ўта кечирувчи эди.

٤. لَهُوَ^٢ مَا فِي السَّمَوَاتِ:

а) Унинг учундир осмондаги нарсалар.

б) Унинг учундир осмонлардаги нарсалар.

1. Гоҳида «ب» калимаси «дан» деб, таржима қилинади.

2. Биринчи дарсда айтиб ўтганимиздек, «учун» маъносини англатадиган «ل» «لَ» «لِهَا» «لَهُمَا» «لَهُمْ» «لَكَ» «لَكُمْ» «لَنَا» «لِ» сўзи ушбу олмошли калималарда: «ل» «لَ» «لِهَا» «لَهُمَا» «لَهُمْ» «لَكَ» «لَكُمْ» «لَنَا» «لِ» шаклида келади. Юқоридаги калима ҳам шу жумладандир.

Эслатма!

Қуйидаги жумла каби ибораларни таржима қилганда;

إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ

Албатта, Аллоҳ у эшитувчи билувчидир.

«هو» сўзи «ўзи» ёки «айнан» деб, таржима қилинса, жуда яхши бўлади ва юқоридаги ибора бундай таржима қилинади:

Албатта, Аллоҳнинг ўзи эшитувчи, билувчидир.

Албатта, Аллоҳ айнан эшитувчи, билувчидир.

40 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Учинчи машқ: Дарс сўзларининг маноларини ёд олгач, қуйидаги қисқа бирикма ва ибораларни таржима қилинг.

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	أَلْحَمْدُ لِلَّهِ	۱
	لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ	۲
	إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ	۳
	هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ	۴
	إِنَّ اللَّهَ يَعْبَادِهِ	۵
	لَقَبِيرٌ بَصِيرٌ	۶
	هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ	۷
	وَاسْتَغْفِرِ اللَّهُ	۸
	كَانَ عَفُورًا رَحِيمًا	۹
	مَا فِي السَّمَوَاتِ	۱۰

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдиринг:

۱. لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

Йўқ Ундан ўзга, енгилмас ва ҳикматлидир.

۲. إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

Албатта, ўзи эшитувчи дир.

۳. لَهُ مَا فِي السَّمَوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ صَلَى وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ

Унинг учундир даги ва ердаги нарсалар ва У баланд мартабали дир.

۴. وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ

Ва Аллоҳ нарсани дир.

Бешинчи машқ: Биринчидан тўртинчи машққача бўлган машқларни бажаргач, биринчи бетдаги дарснинг Қуръоний ибораларини таржима қилиш навбати етиб келади. Ҳар бир ибора ва оятни яна бир марта диққат билан ўқинг ва кейин эса, уларни сўзма сўз таржима қилиб, остига ёзинг.

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Аллоҳнинг сифатлари (1)

Севиб, ибодат қиладиган Тангри таолони танишни истаймиз ва У қандай мавжуд эканлигини билмоқчи бўламиз. Бироқ биз каби ноқис ва чекли мавжудотлар чексиз ва комил мавжудни ўзи бор бўлганидек таний олишимиз мумкинми? Бундай нарса сира мумкин эмас. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло ўзини инсонларнинг нуқсонли тавсифидан муназзаҳ ва пок деб, билади ва Унинг ўзи бизга Уни қандай тавсиф этишимизни ўргатади.

Маъсум имомларимиз бизни Худонинг зотини (кимлигини) таниш учун фикр юритишдан қайтарганлар, аммо Унинг сифатларини қисқача умумий шаклда тушунишга тавсия этганлар. Негаки, чексиз зот бўлмиш Аллоҳ таолони биз каби чекланган кишилар танишга қодир эмаслар.

Буюк Аллоҳнинг айрим сифатлари дарс оятларида зикр этилган.

Қуръони Каримнинг дастлабки оятида Аллоҳ таоло икки сифат; «Борлиқ ато этувчи ва Раҳмли» деб, танилтирилган:

﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ﴾

У иззатли, енгилмас ва ҳикматлидир: ﴿لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ﴾
Ҳамма нарсани эшитувчи ва кўриб турувчи бўлган Аллоҳгагина ибодат қилурмиз: ﴿إِنَّ اللَّهَ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ﴾
Аллоҳ ўзининг бепоён илми ва чексиз қудрати билан мавжудотларни яратади: ﴿إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ قَدِيرٌ﴾
Бадаларининг ҳеч бири Унинг кузатиш қамровидан четда қолмас. У уларнинг аҳволидан хабардордир:

﴿إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِ لَخَبِيرٌ بَصِيرٌ﴾

Бизга ҳаёт ато этган зот, яъни Аллоҳнинг ўзи ҳаётнинг асоси ва негизидир ва фақат У мустаҳкам ва абадий турувчидир.

﴿اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ﴾

Юксаклик, баланд мартабалилик ва улканлик Аллоҳникидир. Демак, кимки, буюклик ва юксакликни излайдиган бўлса, Унга таянмоғи лозим:

﴿وَهُوَ الْعَلِيُّ الْعَظِيمُ﴾

Буюк зот бўлмиш Аллоҳ таоло, бутун қудрати ва улканлиги билан бадаларига нисбатан меҳрибон ва ўта шафқатлидир:

﴿إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرُؤُوفٌ رَحِيمٌ﴾

44 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Озод машқ: Олдинги дарсда айтиб ўтилганидек, Қуръони Карим оятларини таржима қилишга кўпроқ иштиёқи ва тайёргарлиги бўлган азиз Қуръон ўрганувчилар қуйидаги машқларни берилган сўзларнинг маъносидан фойдаланиб, таржима қилсинлар.

Янги ва таниш сўзлар	Қуръоний иборалар ва оятлар
кечирим: إِسْتَعْفِرُوا : сўра, мағфират сўра	<p>١. وَاسْتَغْفِرُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ غَفُورٌ رَحِيمٌ (Бақара: 199)</p> <p>.....</p>
қўл: يَدٌ га, ك : сен, сенинг устада яхшилиқ, خَيْرٌ яхшироқ, энг яхши	<p>٢. بِيَدِكَ الْخَيْرُ إِنَّكَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ (Оли Имрон: 26)</p> <p>.....</p>
маскан тутди, سَكَنَ маскан қурди, сокин бўлди	<p>٣. وَلَهُ مَا سَكَنَ فِي اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ (Анъом:13)</p> <p>.....</p>
исмлар, أَسْمَاءٌ энг حُسْنَى : номлар яхши	<p>٤. اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ لَهُ الْأَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ (Тоҳо: 8)</p> <p>.....</p>

1. **أَسْمَاءُ الْحُسْنَىٰ** Энг яхши исмлар ёки энг яхши номлар.

<p>бехожат, عَنِّي мақталган, حميد мақтовга лойиқ</p>	<p>٥. لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَإِنَّ اللَّهَ لَهُ الْعِزُّ الْحَمِيدُ (Ҳаж: 64)</p>
<p>яратувчи, خَالِقُ ҳомий, وَكَيْلُ қўриқловчи</p>	<p>٦. اللَّهُ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ وَكِيلٌ (Зумар: 62)</p>
<p>қўшинлар, جُنُودُ лашкарлар</p>	<p>٧. وَلِلَّهِ جُنُودُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا (Фатҳ: 4)</p>
<p>-ган, шундай, الَّذِي зотки, шундай нарсаки, билувчи, доно: عَالِمُ яширин, ғойиб: غَيْبُ ошкор: شَهَادَةُ</p>	<p>٨. هُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ عَالِمُ الْغَيْبِ وَالشَّهَادَةِ هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ (Ҳашр: 22)</p>

19-Дарс Аллоҳнинг сифатлари (2)

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг.
Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз
ибораларни + кўрсаткичи билан белгиланг.

(Ҳамд: 4)

۱. مَا لِكِ يَوْمَ الدِّينِ

(Бақара: 21)

۲. يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ

(Бақара: 29)

۳. هُوَ الَّذِي خَلَقَ لَكُمْ مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا

(Бақара: 163)

۴. وَإِلَهُكُمْ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ

(Бақара: 213)

۵. وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

(Оли Имрон: 51)

۶. إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ

.....
(Оли Имрон: 68)

۷. وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ

.....
(Оли Имрон: 189)

۸. وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ

.....
(Наҳл: 52)

۹. وَلَهُ وَمَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَهُ الدِّينُ

.....
(Қасас: 70)

۱۰. لَهُ الْحُكْمُ فِي الْأُولَى وَالْآخِرَةِ وَلَهُ الْحُكْمُ

.....

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Энди эса, таниш ва янги сўзларни маъноси билан ўқиб ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг. Ундан кейин, оила аъзоингиздан бўлган бирор шахс билан, сўзларни ва уларнинг маъноларини бир-бирингиздан сўрашга аҳдлашинг. Токи, сўзларнинг маъноларини билишингизга ишонч ҳосил қилинг.

Маънолар	Янги сўзлар		Маънолар	Танишсўзлар	
ибодат қилинг, сифининг	أَعْبُدُوا	۱	охират	آخِرَةٌ	۱
-ган, шундай кишики, шундай нарсаки,	الَّذِي	۲	ҳамма, барча жами	جَمِيعًا	۲
-ганлар, шундай кишиларки,	الَّذِينَ	۳	дин, жазо	دِين	۳
га, томонга	إِلَى	۴	йўл	صِرَاط	۴
дунё, биринчи	أُولَى	۵	олдин, илгари	قَبْل	۵
ҳукм, ҳукумат	حُكْم	۶	эга, соҳиб	مَالِك	۶
мулк, ҳукмронлик	مُلْك	۷	тўғри	مُسْتَقِيم	۷
ким, кимки, кимса кимлар, ҳар ким	مَنْ	۸	бир, ягона	وَاحِدٌ - وَاحِدَةٌ	۸
бу	هَذَا - هَذِهِ	۹	йўлбошчи, бошлиқ	وَيْلٌ	۹
менинг, мен	ى	۱۰	дўст		
эй	يَا - يَا أَيُّهَا - أَيُّهَا	۱۱	қун	يَوْم	۱۰
хоҳласа, хоҳлайди	يَسَاءَ	۱۲			
ҳидоят қилади	يَهْدِي	۱۳			

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

۱. جَمِيعًا:

- а) ҳаммалар
- б) ҳамма, барча

۲. دِين:

- а) қиёмат куни
- б) жазо, дин

۳. هَذَا:

- а) бу
- б) у

۴. مُلْك:

- а) юрт
- б) ҳукмронлик

۵. الَّذِينَ:

- а) шундай кишиларки,
- б) шундай нарсаларки,

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. йўл:

- الف (ف) صِرَاط
- ب (ب) سُبُل

2. бир, ягона:

- الف (ف) هُوَ
- ب (ب) وَاحِد

50 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

3. шундай кишиларки:

(الف) الَّذِينَ

(ب) الَّذِي - مَنْ

4. томонига:

(الف) إِلَى

(ب) أَوْلَى

5. кун:

(الف) أَيَّام

(ب) يَوْم

Иккинчи машқ: Ҳар бир иборанинг тўғри таржимасини белгиланг.

۱. وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ:

а) Ва Аллоҳ мўъминларга йўлбошчилик қилади

б) Ва Аллоҳ мўъминларнинг йўлбошчисидир

۲. مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ:

а) Осмонлар ва ернинг ҳукмронлиги

б) Ҳукмронлик осмонлар ва ер учун

۳. هُوَ الرَّحْمَنُ الرَّحِيمُ:

а) Аллоҳ меҳрибон раҳмлидир

б) У меҳрибон раҳмлидир

۴. وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ:

а) Улардан олдингилар

б) Шундай кишиларки, сизлардан олдин (ўтганлар)

۵. لَهُ الدِّينُ - وَلَهُ الْحُكْمُ:

а) Унинг учундир дин – ва Унинг учундир ҳукумат

б) Унинг учундир жазо – ва Унинг учундир ҳукмлар

1. مِنْ قَبْلُ ва مِنْ بَعْدُ ибораларини «дан олдин» ва «дан кейин (сўнг)», деб таржима қилинг.

Учинчи машқ: Дарс сўзларининг маноларини ёд олгач, қуйидаги қисқа бирикма ва ибораларни таржима қилинг.

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	وَاللَّهُ وَئِيُّ الْمُؤْمِنِينَ	۱
	وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَوَاتِ	۲
	هُوَ الَّذِي خَلَقَ	۳
	مَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا	۴
	إِلَهُكُمْ إِلَهًا وَاحِدًا	۵
	لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ	۶
	أَعْبُدُوا رَبَّكُمْ	۷
	الَّذِي خَلَقَكُمْ	۸
	إِنَّ اللَّهَ رَبِّي	۹
	هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ	۱۰
	وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ	۱۱
	لَهُ الْخُضُودُ فِي الْأُولَى	۱۲

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдилинг:

۱. وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ:

Ва..... учундир ва ернинг ҳукмронлиги.

۲. يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ:

Эй инсонлар ибодат қилингиз.....ингизга У шундай зотки, сизларни.

۳. وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ:

Ва Аллоҳ ҳар кимни тўғрига.

52 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

ۛ. لَِّ الْحَمْدُ فِي الْأَوَّلِي وَالْآخِرَةِ وَلَِّ الْحَمْدُ:

..... учундир ҳамд-сано дунёда ва ва
дир..... .

Бешинчи машқ: Биринчидан тўртинчи машққача бўлган машқларни бажаргач, биринчи бетдаги дарснинг Қуръоний ибораларини таржима қилиш навбати етиб келади. Ҳар бир ибора ва оятни таржима қилишдан олдин, ибораларни яна бир марта диққат билан ўқишга ҳаракат қилинг. Кейин эса таржимасини остига ёзинг.

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Аллоҳнинг сифатлари (2)

Ҳаммамиз биламизки, Аллоҳдан бошқа ҳеч бир мавжудот оламни бошқариш ва етаклашга қодир ва лойиқ эмас. Бинобарин, Аллоҳдан ўзганинг фармони қабул қилиб бўлмади ва фақат Унинг ўзигина ибодат қилинмоғи лозим: ﴿وَاللَّهُمَّ إِلَهٌ وَاحِدٌ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ﴾ Осмонлар ва ернинг

ҳукмронлиги Унинг қўлидадир: ﴿وَلِلَّهِ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ﴾

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло борлиқ олам билан биргаликда, инсонни вужудга келтирди. Аллоҳнинг ўзи уни тўғри йўлга бошлайди: ﴿وَاللَّهُ يَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ﴾ Аллоҳ таоло мавжудотларга борлиқ либосини киргизаётганда уларни ўз ҳолига ташлаб қўймади, балки уларни тарбиялаш ва уларнинг ишларини идора этишни ҳам Ўз зиммасига олди:

﴿إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبُّكُمْ فَاعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ﴾

Агар биз Аллоҳнинг амр-фармонига бўйин эгсак, У бизни ўзининг махсус вилояти (пешволиги) ва қарамоғи остига олади:

﴿وَاللَّهُ وَلِيُّ الْمُؤْمِنِينَ﴾

54 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

Озод машқ: Олдинги дарсда айтиб ўтилганидек, Қуръони Карим оятларини таржима қилишга кўпроқ иштиёқи ва тайёргарлиги бўлган азиз Қуръон ўрганувчилар қуйидаги машқларни кўрсатилган сўзларнинг маъносидан фойдаланиб, таржима қилсинлар.

Янги ва таниш сўзлар	Қуръоний иборалар ва оятлар
<p>шоядки, зоя: لَعَلَّ тақводор: تَتَّقُونَ бўлсангиз, тақводор бўласиз</p>	<p>۱. يَا أَيُّهَا النَّاسُ اعْبُدُوا رَبَّكُمُ الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ لَعَلَّكُمْ تَتَّقُونَ (Бақара: 21) </p>
<p>йўлбошчи, хожа: وَكَيْ сарвар иймон: آمَنُوا келтирдилар</p>	<p>۲. اللَّهُ وَلِيُّ الَّذِينَ آمَنُوا (Бақара: 257) </p>
<p>фақатгина: إِنَّمَا пайғамбар, رَسُولٌ элчи</p>	<p>۳. إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا (Моида:55) </p>
<p>у, бу: ذَلِكَ Унга ибодат: أُعْبُدُوهُ қилингиз</p>	<p>۴. ذَلِكَ اللَّهُ رَبُّكُمْ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ خَالِقُ كُلِّ شَيْءٍ فَاعْبُدُوهُ (Анъом: 102) </p>
<p>деди, айтди: قَالَ Мусо пайғамбар: مُوسَى Фиръавн: فِرْعَوْنُ оламлар: رَبِّ الْعَالَمِينَ парвардигори</p>	<p>۵. وَقَالَ مُوسَى يَا فِرْعَوْنُ إِنِّي رَسُولٌ مِّن رَّبِّ الْعَالَمِينَ (Аъроф: 104) </p>

<p>مُلك: хукмронлик رَسُولُ اللَّهِ: Аллоҳнинг элчиси</p>	<p>٦. قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ (Аъроф: 158) </p>
<p>يَدْعُو: чорлайди, даъват қилади диёр: دار тинчлик: سلام</p>	<p>٧. وَاللَّهُ يَدْعُو إِلَى دَارِ السَّلَامِ وَيَهْدِي مَنْ يَشَاءُ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ (Юнус: 25) </p>
<p>أَلَّا: огоҳ бўлингиз وَعَدَ: ваъда حَقٌّ: ҳақ, рост, тўғри</p>	<p>٨. أَلَّا إِنَّ لِلَّهِ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ أَلَّا إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ (Юнус: 55) </p>
<p>هَادٍ (هَادِي): қилувчи</p>	<p>٩. وَإِنَّ اللَّهَ لَهَادٍ الَّذِينَ آمَنُوا إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ (Юнус: 54) </p>

20-Дарс Аллоҳга ибодат

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

1. Ушбу ояти каримадаги **فُرْقَانَ وَضِيَاءً وَذِكْرًا** калималари Таврот китобининг хусусиятлари сифатида баён қилинган.

24-Дарс

Ислом пайғамбари (с.а.о)

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг.
Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз
ибораларни (+) кўрсатгичи билан белгиланг.

۱. إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ بَشِيرًا وَنَذِيرًا (Бақара: 119)

۲. قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ (Аъроф: 158)

۳. لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَأَمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ (Аъроф: 158)

۴. هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ (Тавба: 33)

۵. وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ * قُلْ إِنَّمَا يُوحِي إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَهٌ وَاحِدٌ (Анбиё: 107-108)

(Ахзоб: 40) ٦. مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَٰكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ

(Ахзоб: 45) ٧. يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَاهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا

(Ёсин: 1-4) ٨. يُس * وَالْقُرْآنِ الْحَكِيمِ * إِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ * عَلَىٰ صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ

(Саф: 6) ٩. وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ

(Саф: 6) ١٠. وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنكُمْ بِإِسْمِ أَحْمَدٍ

1. Гоҳида «و» ҳарфи онт ва қасм маъносида келади, масалан; «وَالشَّمْسِ» «Қуёшга қасам», ёки «وَالْقُرْآنِ الْحَكِيمِ» «Ҳикматли Қуръон»га қасам.

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Таниш ва янги сўзларнинг маъносини ўрганиб олганингизга ишонч ҳосил қилишингиз учун, уларни оила аъзоларингиздан бири ёки дўстингиз билан бирга ўқинг.

Маънолар	Янги сўзлар		Маънолар	Таниш сўзлар
иймон келтиринг	آمِنُوا	۱	ягона, ёлғиз, битта	أَحَدٌ ۱
юборди	أَرْسَلَ	۲	Расулуллоҳ исмлари	أَحْمَدٌ ۲
фақат, бундан ўзгача эмас	إِنَّمَا	۳	сўнг, дан кейин, дан сўнг	بَعْدٌ ۳
эканлиги, лиги	أَنَّمَا	۴	ҳақ, тўғри	حَقٌّ ۴
башорат берувчи, хушхабар берувчи	بَشِيرٌ	۵	сўнги, охири	خَاتَمٌ ۵
эркаклар	رِجَالٌ	۶	раҳмат, марҳамат	رَحْمَةٌ ۶
айт, дегин	قُلْ	۷	Муҳаммад (с.а.о)	مُحَمَّدٌ ۷
эмас, йўқ	مَا	۸	га қасам, га онт	وَ ۸
башорат берувчи, суюнчли хабар берувчи	مُبَشِّرٌ	۹	муқаттаъа ҳарфлар	يُسٌ ۹
огоҳлантирувчи	نَذِيرٌ	۱۰		
келади	يَأْتِي	۱۱		
тириштиради	يُحْيِي	۱۲		

1. «أَحَدٌ» сўзи «ягона, ёлғиз ва битта» маъноларини англатади. Бироқ салбий жумлаларда «ҳеч бири – ҳеч ким» маъноларида келади.
2. (ظَهْرُ - يُسٌ - الْمِ وَ...) каби 29 та Қуръон сураларининг аввалида келган Муқаттаъа ҳарфлар турли маъноларга тафсир қилинган, жумладан Аллоҳ ва Пайғамбар ўртасидаги рамзий маънодир.

ўлдиради, жонини олади	يُمِيتُ	۱۳			
вахий қилинади	يُوحَى	۱۴			

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Азиз Қуръон ўрганувчилар, қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

۱. بَشِيرٌ - نَذِيرٌ:

- а) хушxabар берувчи – огоҳлантирувчи
 б) суюнчли хабар – огоҳлантириш

۲. قُلٌ - آمِنُوا:

- а) айтди – иймон келтирдилар
 б) айт – иймон келтиринг

۳. إِنَّمَا - أَنَّمَا:

- а) фақат – лиги
 б) эканлиги – фақат

۴. يُوحَى - رِجَالٌ:

- а) ваҳий қилинади – эркаклар
 б) ваҳий қилди – эркак

۵. يُحْيِي - يُمِيتُ:

- а) тирилтирди – ўлдирди
 б) тирилтиради – ўлдиради

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. юборди, мендан кейин:

الف) أُرْسِلَ - مِنْ بَعْدِي

ب) أُرْسِلْنَا - بَعْدِي

114 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

2. ота, башорат берувчи:

(الف) إِبْن - بَشِير

(ب) أَب - مُبَشِّرٌ

3. иймон келтирдилар, иймон келтиринг:

(الف) آمَنُوا - آمَنُوا

(ب) آمَنُوا - آمَنُوا

4. келади, ваҳий қилинади:

(الف) يُوحَى - يَأْتِي

(ب) يَأْتِي - يُوحَى

5. ўлдиради, тириктиради:

(الف) يُيَبِّت - يُحْيِي

(ب) يُحْيِي - يُيَبِّت

Иккинчи машқ: Ҳар бир иборанинг тўғри маъносини белгиланг.

۱. إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ:

а) Мен сизларга Аллоҳнинг расулидирман

б) Албатта, мен сизларга Аллоҳнинг элчисидирман

۲. إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ:

а) Албатта, биз юбордик сизни ҳақ билан

б) Биз юбордик сизни, зеро, ҳақ сиз билан

۳. شَاهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا:

а) гувоҳ ва башорат берувчи ва огоҳлантирувчи

б) назоратчи ва суюнчли хабар ва огоҳ

۴. لَهُ وَ مَلِكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ

а) Унинг учундир осмонлар ва ернинг ҳукмронлиги

б) Унинг учундир осмон ва ернинг мулки

۵. وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَحَاتَمَ النَّبِيِّينَ

а) Лекин Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг сўнгисидир

б) Ҳолбуки, у Худонинг элчиси ва пайғамбарларнинг охиргисидир

Учинчи машқ: Дарс сўзларининг маъноларини ёд олгач, қуйидаги бирикма ва қисқа ибораларни таржима қилинг.

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ	۱
	يَأْتِي مِنَّمْ يَعْدِي اسْمُهُ وَ أَحْمَدُ	۲
	إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ بِالْحَقِّ	۳
	هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَ	۴
	يَأْتِيهَا النَّجِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ	۵
	قُلْ إِنَّمَا يُوحَىٰ إِلَيَّ	۶
	أَنَّمَا إِلَهُكُمُ إِلَهٌ وَاحِدٌ	۷
	إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمُ	۸
	لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ	۹
	وَالْقُرْآنَ الْحَكِيمَ	۱۰

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдилинг:

۱. يَا نَبِيَّ إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمُ

Эй албатта, Аллоҳнинг сизларга

۲. وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنَّمْ يَعْدِي

Ва пайғамбар ҳақида мендан кейин

۳. أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَ بِالْهُدَىٰ وَ دِينِ الْحَقِّ

Юборди ҳидоят ва билан

1. Ушбу ўринда **بِ** даги **رَسُولٍ** даги **بِ** сўзи ўзбек тилига «ҳақида, тўғрисида борасида» деб таржима қилинса яхшироқ бўлади.

۱. وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

Ва юбормадик магар оламлар учун

۲. مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ

Эмас Муҳаммаддан ҳеч кимнинг

Бешинчи машқ: Биринчи машқдан бошлаб тўртинчи машқларни бажаргач, дарсинг биринчи бетдаги Қуръоний ибораларининг ҳар бирини яна бир марта диққат билан ўқинг. Кейин эса, уларни алоҳида ва сўзма-сўз услубда таржима қилинг.

-
1. Юқоридаги оят каби жумлаларда مَا дан кейин إِلَّا келса, مَا сўзи салбий маънони аниқлатади ва шунингдек, مَا дан кейин إِلَّا келганда, ўзбек тилига салбий эмас, балки ижобий шаклда таржима қилинади. Масалан; «Биз сизни оламлар учун фақат раҳмат қилиб юбордик.» Яъни مَا ва إِلَّا нинг бир жумлада келишидан «фақат» деган сўз таржиманда юзага келади ва аслида эса ояти кариманинг таржимаси қуйидагича бўлади: «Биз сизни юбормадик магар оламлар учун раҳмат қилиб.»

Қуръони Карим тили

Ҳарф

Йиғирма биринчи дарсда айтиб ўтганимиздек, сўз туркумларидан бири ҳарфдир. Бу дарсда ҳарф билан кўпроқ танишамиз.

Қуйидаги иборалардаги «*مِنْ، إِلَى، أَنْ*» сўзларининг маъносига диққат қилинг:

مِنْ عِبَادِنَا - إِلَى فِرْعَوْنَ - أَنْ يَشَاءَ

1. «*مِنْ*» даги «*مِنْ عِبَادِنَا*»

Юқоридаги иборада «*مِنْ: дан*» деганимизда тўлиқ бир маъно тушунимайди ва «*нимадан? кимдан?*» деган савол туғилади. Аммо унинг кетидан «*عِبَادِنَا*», яъни исм (от) келса, шунда маъно тўлиқ ва комил бўлади: Баңдаларимиздан.

2. «*إِلَى*» даги «*إِلَى فِرْعَوْنَ*»

Юқоридаги иборада «*إِلَى: га, томонга*» ёлғиз ҳолда тўлиқ маънони англамайди ва «*кимга? нимага?*» деган савол юзага келади. Бироқ унинг кетидан «*فِرْعَوْنَ*», яъни исм (от) келса, шунда маъно тўлиқ ва комил бўлади: Фиръавнга, Фиръавн томонга.

3. «*أَنْ*» даги «*أَنْ يَشَاءَ*»

Ушбу иборада «*أَنْ: эканлиги, лиги*» ёлғиз ҳолда тўлиқ маънони ифодаламайди ва «*ким экан? нима экан?*» деган савол пайдо бўлади. Лекин «*أَنْ*» нинг кетидан «*يَشَاءَ*», яъни феъл келса, шунда маъно тўлиқ ва комил бўлади: хоҳлашлиги, истаганлиги.

Хотирангизда сақланг

Ҳарфнинг маъноси ундан кейин келадиган исм (от) ёки феъл ёрдамида тўлдирилади.

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Ислоҳ пайғамбари (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)

Қуръони Каримда азиз пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳамда ул буюк зотнинг пайғамбарликлари ва элчиликлари тўғрисида кўп оятлар мавжуд. Аллоҳ таоло Ёсин сурасида Сарвари оламини Ўзининг элчиларидан бири сифатида тилга олиб, ул ҳазратга шундай хитоб қилади: ﴿إِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ﴾ Шунингдек, Тангри таоло Аъроф сурасида Ўз пайғамбаридан ўзини халққа Аллоҳнинг элчиси деб таништиришини истаган:

﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا﴾

Сизга маълум бўлганидек Расулудлоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) пайғамбарликка танланишларидан илгари, олдинги пайғамбарлар ул зотнинг келишларини башорат берган эдилар. Жумладан, ҳазрат Исо (алайҳис салом) ўздан кейин Аҳмад исмли пайғамбар келишини бани Исроилга башорат беради:

﴿وَإِذْ قَالَ عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ يَا بَنِي إِسْرَائِيلَ إِنِّي رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ... وَمُبَشِّرًا بِرَسُولٍ يَأْتِي مِنْ بَعْدِي اسْمُهُ وَأَحْمَدٌ﴾

Ҳазрат Исо (алайҳис салом) нинг берган башорати барча замонлар ва асрлар учун бўлиб, оламнинг охирига қадар давом этади. Зеро, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳнинг сўнги элчиси ва пайғамбаридирлар. Ул ҳазрат нубувват ва рисолат дафтларини муҳраб, ниҳоясига еткизганлар:

﴿مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِنْ رِجَالِكُمْ وَلَكِنْ رَسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ النَّبِيِّينَ﴾

Сўнги пайғамбар Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳақларидаги оятлар, бошқа пайғамбарларни тавсиф этган оятлар сингари ул ҳазратнинг пайғамбарлик ва элчилик мақсадларини одамларни ҳидоят қилиш ва ҳақ динга чорлаш деб уқтиради:

﴿هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ وَبِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ﴾

Бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам ҳазрат Нух, Иброҳим, Мусо ва Исо (алайҳимус салом) лар сингари Аллоҳнинг йўллаган ваҳийини ҳалққа етказиб, ўз умматларини ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирганлар:

﴿قُلْ إِنَّمَا يُوحِي إِلَيَّ أَنَّمَا إِلَهُمُ إِلَهٌ وَاحِدٌ﴾

Халқнинг ҳидояти учун келган ва уларнинг амаллари устидан гувоҳ бўлган пайғамбар барча инсонларни жаннатга ва Аллоҳнинг ризолигига башорат бериб, уларни жаҳаннамнинг дардли азобидан қўрқитади:

﴿يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ إِنَّا أَرْسَلْنَاكَ شَاهِدًا وَمُبَشِّرًا وَنَذِيرًا﴾

Расулудлоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай бир улуғ инсонларки, халқни залолат ва гумроҳликдан қутқазиб, улардан бирор нарсани кўзламай, уларга нажот ва ҳидоят йўлини кўрсатганлар. Шу боис, ул зотнинг бутун вужудлари оламлар учун раҳмат ва баракот бўлган:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ﴾

Озод машқ: Азиз Қуръон ўрганувчилар, куйидаги Қуръоний ибораларни кўрсатилган сўзларнинг маъносидан фойдаланиб, таржима қилиш сизларга дарс луғатларини яхшироқ ўрганишингизга ёрдам қилади.

Янги ва таниш сўзлар	Қуръоний иборалар ва оятлар
<p>валий, пешво, وَكِيٌّ бошлиқ, йўлбошчи</p> <p>тўқис адо: يُقِيمُونَ этадилар</p> <p>намоз: صَلَوَاتٌ берадилар: يُؤْتُونَ закот: زَكَاةً рукуъ: رَاكِعُونَ қилувчилар</p>	<p>۱. إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ (Моида: 55)</p> <p>.....</p>
<p>етказинг: بَلَغَ нозил қилинди: أَنْزَلَ</p>	<p>۲. يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ (Моида: 67)</p> <p>.....</p>
<p>бажармадинг: لَمْ تَفْعَلْ етказмадинг: مَا بَلَغْتَ элчилик: رِسَالَةٌ</p>	<p>۳. وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَغْتَ رِسَالَتَهُ (Моида: 67)</p> <p>.....</p>
<p>дарс ўқимаган: أُنْحِ ишонади, иймон: يُؤْمِنُ келтиради</p> <p>калималар: كَلِمَاتٍ эргашинг: اتَّبِعُوا</p>	<p>۴. فَأَمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَاتَّبَعُوهُ (Аъроф: 158)</p> <p>.....</p>

<p>ҳидоят: هُدًى</p> <p>билан: بِ</p> <p>ғолиб қилади, يُظْهِرُ:</p> <p>устун қилади</p> <p>ғолиб қилиши: لِيُظْهِرَ:</p> <p>учун, устун қилиши</p> <p>учун</p>	<p>۵. هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ</p> <p>(Тавба: 33)</p> <p>.....</p>
<p>ҳамма, барча: كَافَّةً</p> <p>аксарият, أَكْثَرُ:</p> <p>кўпчилик</p> <p>билмаслар: لَا يَعْلَمُونَ</p>	<p>۶. وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ ۚ بَشِيرًا وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ</p> <p>(Сабъ: 28)</p> <p>.....</p>

1. كَافَّةً لِّلنَّاسِ: ҳамма одамлар учун.

Учинчи қисм
Қуръони Карим

25-Дарс

Қуръоннинг нозил бўлиши

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг.
Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз
ибораларни (+) кўрсатгичи билан белгиланг.

۱. شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ

(Бақара: 185)

۲. يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالْكِتَابِ الَّذِي نَزَّلَ عَلَىٰ رَسُولِهِ

(Нисо: 136)

۳. وَ هَذَا كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ مُبَارَكٌ فَاتَّبِعُوهُ وَاتَّقُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ

(Анъом: 155)

۴. إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ

(Юсуф: 2)

۵. أَلَمْ يَجْعَلْ لَكُم مِّنَ الْقُرْآنِ آيَاتٍ لِّتَذَكَّرُوا أَتَىٰ تَمَامًا

(Иброҳим: 1)

۶. الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَىٰ عَبْدِهِ الْكِتَابَ

(Қаҳф: 1)

1. «إِنَّا» аслида (إِنَّ + نَا) бўлган. Осон талаффуз қилиш учун, кўп ўринларда «إِنَّا» шаклида келади.

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Азиз Қуръон ўрганувчилар, Аллоҳнинг мадади билан, биринчи дарсдан то саккизинчи дарсгача Қуръоннинг бир неча сўз ва ибораларининг маъноси билан танишдингиз. Уларнинг такрорланиб келишини эътиборга олганда, энди сиз Қуръон сўзларидан 42500 тасининг маъносини биласиз.

Маънолар	Янги сўзлар		Маънолар	Таниш сўзлар	
эргашинг	اتَّبِعُوا	۱	изн, рухсат	إِذْنٌ	۱
ибодат қил, сиғин	أَعْبُدْ	۲	ўртасида, орасида	بَيْنَ	۲
нозил қилди, тушурди	أَنْزَلَ	۳	Рамазон	رَمَضَانَ	۳
нозил қилинди	أُنزِلَ	۴	баъда, қул	عَبْدٌ	۴
чиқарасан	تُخْرِجُ	۵	арабча, араб тили	عَرَبِيٌّ	۵
раҳм қилинасиз	تُرْحَمُونَ	۶	қадр, тақдир, белгилаш	قَدْرٌ	۶
ақл юргизасиз, ақл ишлатасиз	تَعْقِلُونَ	۷	Қуръон	قُرْآنٌ	۷
ой	شَهْرٌ	۸	муборақ, баракотли	مُبَارَكٌ - مُبَارَكَةٌ	۸
шунингдек	كَذَلِكَ	۹	холис қилувчи	مُخْلِصًا	۹
эдик, дирмиз	كُنَّا	۱۰			
шояд, зора	لَعَلَّ	۱۱			
нима	مَا	۱۲			
сенга нима билдирди?	مَا أَدْرِيكَ	۱۳			
огоҳлантирувчилар	مُنذِرِينَ	۱۴			
нозил қилди, туширди	نَزَلَ	۱۵			
иймон келтирадилар	يُؤْمِنُونَ	۱۶			

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

۱. أَنْزَلَ - أَنْزَلَ:

- а) нозил қилди – нозил қилинди
- б) нозил қилади – нозил қилинади

۲. إِذْنٌ - أُعْبِدُ:

- а) изн – ибодат қилди
- б) рухсат – сиғин

۳. كُنَّا - قَدَر:

- а) эдик – белгилаш
- б) эдилар – белгила

۴. لَعَلَّ - شَهْرٌ:

- а) шояд – ой
- б) зора – ойлик

۵. كَذَلِكَ - مُنْذِرِينَ:

- а) у – огоҳлантирувчи
- б) щунингдек – огоҳлантирувчилар

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. ақл юргизасиз, раҳм қилинасиз:

(الف) تُرْحَمُونَ - تَعْقِلُونَ

(ب) تَعْقِلُونَ - تُرْحَمُونَ

2. иймон келтирадилар, туширди:

(الف) يُؤْمِنُونَ - نَزَّلَ

(ب) آمَنُوا - أَنْزَلَ

3. холис қилувчи, шояд:

(الف) مُخْلِصًا - لَعَلَّ

(ب) مُخْلِصًا - تُرْحَمُونَ

4. нозил қилдик, нозил қилди:

(الف) أَنْزَلْنَا - أَنْزَلَ

(ب) أَنْزَلْنَا - أَنْزَلَ

5. сенга нима билдирди, эдик:

(الف) كُنَّا - مَا أَدْرِيكَ

(ب) مَا أَدْرِيكَ - كُنَّا

Иккинчи машқ: Ҳар бир иборанинг тўғри маъносини белгиланг.

١. إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا:

а) Албатта, биз нозил қилдик уни арабий Қуръон ҳолда

б) Нозил қилдик уни арабий Қуръон тарзида

٢. فَاعْبُدِ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ:

а) Демак, Аллоҳга ибодат қил, динни Унинг учун холис қилувчи ҳолда

б) Аллоҳга холисона сиғин, дин асосида

٣. كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ:

а) (Қуръон) шундай китобки, Биз нозил қилдик уни сенга

б) (Қуръон) сенга нозил қилган китобимиздир.

130 Қуръони Карим маъноларини ўрганиш дарслиги, 2-жилд

٤. فَاتَّبِعُوهُ وَاتَّقُوا:

а) Демак, эргашиглар унга ва тақволи бўлинглар

б) Бас, унга эргашдилар ва тақводор бўлдилар

٥. إِنَّا كُنَّا مُنذِرِينَ:

а) Мен сизлар учун огоҳлантирувчиман

б) Албатта, биз огоҳлантирувчилардирмиз

Учинчи машқ: Ушбу дарс ва олдинги дарсларнинг сўзларидан фойдаланиб, қуйидаги Қуръоний ибораларни таржима қилинг.

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ	١
	فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ	٢
	وَالْكِتَابِ الْمُبِينِ	٣
	لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ	٤
	فَاعْبُدِ اللَّهَ	٥
	لِيُخْرِجَ النَّاسَ	٦
	لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ	٧
	مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ	٨
	بِإِذْنِ رَبِّهِمْ	٩
	الَّذِي أَنْزَلَ عَلَى عَبْدِهِ	١٠
	أَنْزَلَ فِيهِ الْقُرْآنَ	١١
	وَيَبِّئَاتٍ مِنَ الْهُدَى	١٢
	مَا أَدْرِيكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ	١٣
	كَذَلِكَ أَنْزَلْنَاهَا	١٤

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдилинг:

۱. إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا:

Албатта, нозил қилдик арабий

۲. فَأَعْبُدِ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ:

Демак, Аллоҳга холис қилувчи ҳолда динни

۳. لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ:

Одамларни қоронғиликлардан нурга Парвардигорининг билан

۴. وَهَذَا كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ مُبَارَكٌ فَاتَّبِعُوهُ:

Ва бу муборак дир, биз нозил қилдик, демак, унга

۵. هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ:

Одамлар учун ва ҳидоятдан

Бешинчи машқ: Биринчи машқдан бошлаб тўртинчи машқлар ёрдамида, дарснинг ҳамма иборалар маъносини ўрганиб олдингиз. Энди эса, дарснинг биринчи бетдаги Қуръоний ибораларни алоҳида ва сўзма-сўз услубда таржима қилишга бел боғланг.

Фойдали эслатма:

Дарсларни ўрганиш мобайнида қуйидаги муҳим масалалардан ғафлатда қолманг:

1. Ўрганишнинг беш усулига риоя қилмоқ: Аста-секинлик, такрорлаш, мунтазам равишда давом эттириш, мустаҳкамлаш ва қизиқтириш.

2. Дарс қилиш учун, оила аъзолари ёки самимий дўстлардан бирор шахсни танлаш.

1. **كِتَابٌ** сўзини **مُبَارَكٌ** билан бирга таржима қилинг.

Қуръони Карим тили

Турдош калималар

Қуйидаги калималарга диққат қилинг:

1. Ишчи, ишхона, ишбилармон, ишчан, ишбоп, ишбоши, ишбай, ишбошқарувчи ва ишбузуқи.

2. Ўқувчи, ўқув юрти, ўқув қуроли, ўқув ускуналари ва ўқув дастури.

3. Билимли, билимдон, билимдонлик, билимсиз, билимсизлик, билимдор, билим юрти.

Юқоридаги калималарнинг ҳар бир гуруҳида бир-бирига ўхшашлик ҳолатларини албатта мушоҳада қиласиз. Ҳар бир гуруҳ калималарда уларнинг турдош қисмини топа оласизми?

Биринчи гуруҳ калималарда «**иш**» сўзи уларнинг ҳаммасида такрорланиб келган.

Иккинчи гуруҳ калималарда «**ўқув**» сўзи уларнинг барчасида такрорланиб келган.

Учинчи гуруҳ калималарда эса, «**билим**» сўзи уларнинг ҳаммасида такрорланиб келган.

Шунга биноан, юқоридаги уч гуруҳга мансуб калималарнинг ҳар бир гуруҳини бир турдан билиб, уларни «**турдош**» калималар деб, номлай оламиз. Мисол тариқасида; ишчи, ишхона ва ишбилармон «**турдош**» калималар ҳисобланади ва шунингдек қолган гуруҳлар ҳам.

Араб тилида ҳам жуда кўп турдош калималар мавжуддир. Масалан, عَلِيمٌ، عَلِيمٌ، عَلِيمٌ وَمَعْلُومٌ сўзлари турдош калималар ҳисобланадилар. Зеро, ушбу уч ҳарф «ع ل م» уларнинг ҳаммасида такрорланган.

Кейинги дарсларда турдош калималар ва уларнинг аҳамияти хусусида муфассал сўз юритамиз.

Машғулот; Остки сўзларда «турдош калималар»ни аниқланг ва улар учун белгиланган махсус қаторда ёзинг.

عَقْل - عَاقِل - عَبْد - أَعْبُدُوا - مُسْلِمًا - رَحْم - إِسْلَام - يَعْقِلُونَ - عِبَاد - أَرْسَلْنَا - مُرْسَلِينَ - خَلَق - يَعْبُدُونَ - سَلَام - مُسْلِمِينَ - رُسُل - رَحْمَن - خَالِق - رَحِيم - تَعْقِلُونَ - رَسُول - يَخْلُق - خَلَقْنَا - رَحْمَةً - رِسَالَةً - تُرْسَمُونَ

Турдош калималар	Сўзнинг ўзаги	Сон
	عَقْل	۱
	عَبْد	۲
	خَلَق	۳
	سَلَام	۴
	رَحْم	۵
	رَسُول	۶

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Қуръоннинг нозил бўлиши

Бизнинг самовий китобимиз бўлмиш Қуръони Карим азиз пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нинг муборак қалбларига нозил бўлган ва ул буюк зот Аллоҳнинг каломини бутун башариятга етказганлар.

Қуръон оятларидан маълум бўладики, ушбу илоҳий китоб муборак Рамазон ойида Сарвари оламга нозил бўлган:

﴿شَهْرُ رَمَضَانَ الَّذِي أُنزِلَ فِيهِ الْقُرْآنُ﴾

Бошқа оятларда эса, аниқроқ қилиб Қуръон нозил бўлган замон баракотли қадр кечаси экани айтилган:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ مَبْرُكَةٍ...﴾

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ﴾

Сизга маълум бўлганидек, дастлабки Қуръон оятлари Ражаб ойининг йигирма еттинчисида, Расулудлоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) пайғамбарликка танланишлари билан бир замонда ул ҳазратга нозил бўлган. Қандай қилиб Қуръон ҳам Рамазон ойида ҳамда Ражаб ойида нозил қилинганини қабул қилиш мумкин?

Ушбу саволга жавоб бериш учун, Қуръоннинг икки хил нозил қилинганини билишимиз лозим;

1. Тадрижий нозил бўлиш: Пайғамбаримизнинг пайғамбарликка танланган кунлари (27- Ражаб ойи)дан бошлаб ул зотнинг умрларининг охиригача давом этган.

2. Дафъий нозил бўлиш: Қуръоннинг ҳақиқати ва унинг таълимотлари бирданига ва тамомила Рамазон ойининг қадр кечасида Расулудлоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг муборак қалбларига нозил бўлган. Ушбу изоҳимиздан маълум бўладики,

Қуръоннинг қадр кечасида нозил бўлишидан мурод, ушбу илоҳий китобнинг бирданига ва тамомила нозил бўлишидир.

Шунингдек, Қуръони Карим араб тилида нозил қилинган. Аллоҳ таоло бунинг сир-асрорини қуйидагича баён қилади: Биз Қуръонни одамлар унда ақл юргизсинлар ва тафаккур қилсинлар деб, араб тилида нозил қилдик:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لَعَلَّكُمْ تَعْقِلُونَ﴾

Зеро, араб тили нозик ва ингичка маъноларни етказишда жуда бой ва кучлидир. Бу соҳада ҳеч бир тил араб тилининг қобилятига эга эмас.

Қуръоннинг энг муҳим таълимотларидан бири, Аллоҳга ибодат қилиб, холисона диндорлик йўлини тутишдир:

﴿إِنَّا أَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ فَاعْبُدِ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ﴾

Биз мусулмонларнинг саодатбахш китобимиз Қуръони Карим ҳидоят йўлини барча инсонларга бутун замонлар ва асрлар учун кўрсатган:

﴿هُدًى لِّلنَّاسِ وَبَيِّنَاتٍ مِّنَ الْهُدَىٰ﴾

Қуръони Карим шундай бир китобки, Аллоҳнинг сўнги элчиси Муҳаммад Мустафо *(саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ушбу китобнинг кўрсатмалари ва йўл-йўриқлари асосида халқни жаҳл-нодонлик, хурофот ва ширкнинг қоронғилигидан қутқаздилар ҳамда илм-маърифат, донолик ва яккахудолик ёғдуси сари етаклайдилар:

﴿كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ لِتُخْرِجَ النَّاسَ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِ رَبِّهِمْ﴾

Аллоҳ таолонинг раҳмати уларни ўз ичига қамраб олишини истаганлар ушбу саодатбахш китобга эргашиб, тақводорлик йўлини тутишлари лозимдир:

﴿وَهَذَا كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ مَبَّارِكٌ فَاتَّبِعُوهُ وَاتَّقُوا لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ﴾

Озод машқ: Қуръони Карим оятлари ва маъноларини таржима қилишга кўпроқ тайёргарлиги бўлган азиз Қуръон ўрганувчилар, қуйидаги Қуръоний ибораларни кўрсатилган сўзларнинг маъносидан фойдаланиб, таржима қилсинлар.

Янги ва таниш сўзлар	Қуръоний иборалар ва оятлар
<p>эсланг, эсда: أذْكُرُوا: тутинг ваъз-насиҳат: يَعْظُ: қилади</p>	<p>۱. وَأذْكُرُوا نِعْمَةَ اللَّهِ عَلَيْكُمْ وَمَا أَنْزَلَ عَلَيْكُمْ مِّنَ الْكِتَابِ وَالْحِكْمَةِ يَعِظُكُم بِهِ (Бақара: 231)</p> <p>.....</p>
<p>баён қилишинг: لِيُبَيِّنَ: учун ихтилоф: اِخْتَلَفُوا: қилдилар</p>	<p>۲. وَمَا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ إِلَّا لِيُبَيِّنَ لَهُمُ الَّذِي اخْتَلَفُوا فِيهِ (Наҳд: 64)</p> <p>.....</p>
<p>туширдик, нозил: نَزَّلْنَا: қилдик баён қилувчи: تَبَيَّنَّا: ҳидоят: هُدًى: хушхабар, بُشْرَى: башорат</p>	<p>۳. وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبَيَّنًا لِّكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِلْمُسْلِمِينَ (Наҳд: 89)</p> <p>.....</p>
<p>нозил қиламиз: نُنَزِّلُ: шифо: شِفَاءً:</p>	<p>۴. وَنُنَزِّلُ مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ (Исро: 82)</p> <p>.....</p>
<p>нозил қилди: أَنْزَلَ: қилмади: لَمْ يَجْعَلْ: эгрилик: عَوَجًا:</p>	<p>۵. أَلْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَىٰ عَبْدِهِ الْكِتَابَ وَلَمْ يَجْعَلْ لَهُ وِعَاجًا (Каҳф: 1)</p> <p>.....</p>

<p>مَنْ كَيْم، كَيْمَكِي: كَيْم ҳидоятга юрса, اِهْتَدَى: ҳидоят топса نَفْس: ўз, жон, шахс</p>	<p>٦. إِنَّا أَنْزَلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِلنَّاسِ بِالْحَقِّ فَمَنْ اهْتَدَى فَلِنَفْسِهِ (Зумар: 41)</p> <p>.....</p>
<p>مَا يُدْرِيكَ: нима сенга билдирди السَّاعَةَ: қиёмат قَرِيبٌ: яқин</p>	<p>٧. اللَّهُ الَّذِي أَنْزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَالْمِيزَانَ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ قَرِيبٌ (Шуро: 17)</p> <p>.....</p>

26-Дарс

Қуръоннинг хусусиятлари (1)

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг.
Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз
ибораларни (+) қўрсатгичи билан белгиланг.

(Бақара: 1-2) ۱. ألم * ذلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ

(Оли Имрон: 138) ۲. هَذَا بَيَانٌ لِّلنَّاسِ وَهُدًى وَمَوْعِظَةٌ لِّلْمُتَّقِينَ

(Моида: 15) ۳. قَدْ جَاءَكُمْ مِّنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُّبِينٌ

(Моида: 16) ۴. يَهْدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُ وَسُبُلَ السَّلَامِ

(Моида: 16) ۵. وَيُخْرِجُهُم مِّنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ بِإِذْنِهِ وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

(Намл: 1-2) ۶. طَسَّحَ تِلْكَ آيَاتِ الْقُرْآنِ وَكِتَابٍ مُّبِينٍ * هُدًى وَبُشْرَى لِّلْمُؤْمِنِينَ

(Фотир: 31)

۷. وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ هُوَ الْحَقُّ

(Фотир: 31)

۸. مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ ۚ إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِ لَخَبِيرٌ بَصِيرٌ

(Зумар: 27)

۹. وَلَقَدْ ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِي هَذَا الْقُرْآنِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ لَّعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ

۱۰. هَذَا بَصَائِرُ لِلنَّاسِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ (Жосия: 20)

1. «بَيْنَ يَدَيْهِ» ибораси «ўзининг олдидаги, ўзидан олдинги» маъноларида қўлланади.

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Яна бир бора эслатиб ўтаемиз; таниш ва янги сўзларнинг маъносини яхшироқ ўрганиб олишингиз учун, сўзларнинг маъносини оила аъзоларингиздан бири сиздан сўрасин. То сўзларнинг маъноларини билишингизга ишонч ҳосил қилинг. Айтганча, ҳозиргача Қуръон калималаридан нечтасининг маъносини ўрганганингизни биласизми?

Маънолар	Янги сўзлар		Маънолар	Таниш сўзлар	
эргашди	إِتَّبَعَ	۱	ризолик, розилик	رِضْوَانٌ	۱
вахий қилдик	أَوْحَيْنَا	۲	тақводорлар, тақволилар	مُتَّقِينَ - مُتَّقُونَ	۲
башорат, хушхабар	بُشْرَى	۳	баён, баён қилувчи	بَيَانٌ	۳
дил кўзгулари равшан қарашлар	بَصَائِرٌ	۴	тинчлик, омонлик саломатлик	سَلَامٌ	۴
ушбу, бу, у	ذَلِكَ	۵	панд-насиҳат, ўғит, мавиъза	مَوْعِظَةٌ	۵
келди	جَاءَ	۶			
шак-шубҳа	رَيْبٌ	۷			
йўллар	سُبُلٌ	۸			
келтирдик, урдик	ضَرَبْنَا	۹			
мисоллар	مَثَلٌ	۱۰			
тасдиқловчи	مُصَدِّقٌ	۱۱			
эслайдилар, эслатма олсалар	يَتَذَكَّرُونَ	۱۲			
чиқаради	يُخْرِجُ	۱۳			
икки қўл	يَدَى - يَدَا	۱۴			
аниқ ишонадилар	يُوقِنُونَ	۱۵			

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

۱. سُبُلٌ - مَثَلٌ:

а) йўллар – мисоллар

б) йўл – мисол

۲. آتَيْنَا - يَدِيهِ:

а) бердик – унинг қўли

б) бердик – унинг икки қўли

۳. رَبُّبٌ - صَرَيْنَا:

а) шак- шубҳа – келтирдик

б) шак- шубҳа – бизни урди

۴. جَاءَ - رِضْوَانٌ:

а) келди – ризолик

б) келтирди – рози

۵. يَلِكٌ - بَيَانٌ:

а) сен учун – изоҳловчи

б) ушбу – баён қилувчи

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. панд-насиҳат, тасдиқловчи:

(الف) مَوْعِظَةٌ - اِتِّبَعَ

(ب) مَوْعِظَةٌ - مُصَدِّقٌ

2. тақводорлар, аниқ ишонадилар:

(الف) مُتَّقِينَ - يُوفِنُونَ

(ب) مُتَّقِينَ - يَتَذَكَّرُونَ

3. фикр юритадилар, эслатма оладилар:

□ (الف) يُوقِنُونَ - يَتَذَكَّرُونَ

□ (ب) يَتَفَكَّرُونَ - يَتَذَكَّرُونَ

4. ваҳий қилдик, эргашди:

□ (الف) أَوْحَيْنَا - ضَرَبْنَا

□ (ب) أَوْحَيْنَا - اتَّبَعَ

5. равшан қарашлар, башорат:

□ (الف) بَصَائِرُ - بُشْرَى

□ (ب) مَوْعِظَةٌ - بُشْرَى

Иккинчи машқ: Ҳар бир иборанинг тўғри маъносини белгиланг.

۱. هُدًى وَمَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ:

□ а) Ҳидоят қилади ва насиҳат беради тақводорларга

□ б) Ҳидоят ва панд-насиҳатдир тақволилар учун

۲. هَذَا بَصَائِرُ لِلنَّاسِ

□ а) Бу (Қуръон) равшан қарашлардир одамлар учун

□ б) Бу (Қуръон) кўзлар кабидир халқ учун

۳. قَدْ جَاءَكُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ

□ а) Келди сизларга Аллоҳ тарафидан нуроний Қуръон

□ б) Дарҳақиқат, келди сизларга Аллоҳдан нур

۴. وَيَهْدِيهِمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ

□ а) Ва ҳидоят қилди сизларни тўғри йўлга

□ б) Ва ҳидоят қилади уларни тўғри йўлга

۵. مُصَدِّقًا لِّمَا بَيْنَ يَدَيْهِ

□ а) Ўзидан олдинги нарсани тасдиқловчи

□ б) Ўзидан олдинги нарса билан тасдиқланган

Учинчи машқ: Дарс сўзларининг маъноларини ёд олгач, қуйидаги бирикма ва қисқа ибораларни таржима қилинг:

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	لَا رَيْبَ فِيهِ	۱
	مَوْعِظَةً لِّلْمُتَّقِينَ	۲
	تِلْكَ آيَاتُ الْقُرْآنِ	۳
	كِتَابٍ مُّبِينٍ	۴
	لِقَوْمٍ يُوقِنُونَ	۵
	ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ	۶
	مِّن كُلِّ مَثَلٍ	۷
	يَهْدِي بِهِ اللَّهُ	۸
	إِتِّبَعَ رِضْوَانَهُ وَ	۹
	سُبُلَ السَّلَامِ	۱۰
	مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ	۱۱
	أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ	۱۲
	هُوَ الْحَقُّ	۱۳
	لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ	۱۴
	إِنَّ اللَّهَ بِعِبَادِهِ	۱۵
	لَخَبِيرٌ بَصِيرٌ	۱۶

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдиринг:

۱. ذٰلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِينَ:

Ушбу ҳеч қандай унда тақволилар ҳидоятдир.

۲. تِلْكَ آيَاتُ الْقُرْآنِ وَكِتَابٍ مُّبِينٍ:

Ушбу Қуръон ва очиқ-ойдин нинг

۳. وَلَقَدْ ضَرَبْنَا لِلنَّاسِ فِي هَذَا الْقُرْآنِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ:

Ва келтирдик одамлар бу ҳар бир
..... дан

۴. يَهْدِي بِهِ اللَّهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُ وَسُبُلَ السَّلَامِ:

..... унинг билан Аллоҳ Унинг га
кимсаларни тинчлик-омонлик га

۵. وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ مِنَ الْكِتَابِ:

Шундай нарсаники, сенга дан

Бешинчи машқ: Энди эса, биринчи бетдаги дарснинг Қуръоний ибораларини таржима қилиш навбати етиб келди. Ҳар бир ибора ва оятни таржима қилишдан олдин, уларни яна бир марта диққат билан ўқинг. Кейин эса, сўзма-сўз таржима қилинг.

Қуръони Карим тили

Калималарнинг ўзаги

Йигирма бешинчи дарсда изоҳ берганимиздек, араб тилида ҳам ўзбек тили сингари турдош калималар мавжуд. Сизга маълум бўлганидек, мазкур калималарда муштарак ҳарфлар бор бўлиб, улар ушбу калималарнинг ҳаммасини бир оилага мансуб сўзлар деб, билишимизга сабаб бўладилар. Мисол тариқасида; Ушбу مُحَمَّد، مُحَمَّد، حَامِد، حَمْد، турдош калималарнинг тузилмасида (ح م د) ҳарфлар қўлланилган ва мазкур сўзларнинг негизи ушбу уч ҳарфдан ташкил топган. Турдош калималар бошқа ҳарфларнинг муштарак ҳарфларга қўшилиши натижасида ясалади. Масалан, «حَامِد» калимасида «الف» ҳарфи ва «مُحَمَّد» калимасида эса икки ҳарф «م-و» муштарак ҳарфларга қўшимча қилинган.

Барча турдош калималарда такрорланиб келган ва сўзнинг асос ва негизини ташкил этган ҳарфларга калиманинг «аслий ҳарфлари» ёки «калиманинг ўзаги» ва аслий ҳарфларга қўшилиб келган ҳарфларга эса «зоид (қўшимча) ҳарфлар» дейилади.

Машғулот: Қуйидаги турдош калималарнинг аслий ҳарфларини ёзинг

Аслий ҳарфлар	Турдош калималар	Қатор
	عَالِمٌ - مَعْلُومٌ - يَعْلَمُ - عَلِيمٌ	۱
	مُلْكٌ - مَالِكٌ - يَمْلِكُ - مَمْلُوكٌ	۲
	تَعْبُدُ - عَابِدُونَ - عَبْدٌ - يَعْْبُدُونَ	۳
	بَصِيرٌ - مُبْصِرَةٌ - بَصَرَ - بَصَائِرٌ	۴
	تَصَدِيقٌ - صَادِقٌ - صَدَقَ - مُصَدِّقًا	۵

Эсингизда сақланг:

Турдош калималарда такрорланиб келган ҳарфларга аслий ҳарфлар ёки калиманинг ўзаги дейилади.

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Қуръоннинг хусусиятлари (1)

Йигирма олтинчи ва йигирма еттинчи дарслар Қуръони Каримнинг айрим хусусиятларини танишга бағишланган. Бу дарсда Қуръон оятларига мурожаат қилиш билан унинг остки хусусиятлари билан танишамиз:

1. Ҳидоят: Айрим оятларда Қуръони Карим тақволи инсонлар учун ҳидоят манбаи сифатида танилтирилган:

﴿ذٰلِكَ الْكِتَابُ لَا رَيْبَ فِيْهِ هُدًى لِّلْمُتَّقِيْنَ﴾

Моида сурасида, Қуръони Карим Аллоҳнинг ризолигини қўлга киритиш мақсадида бўлган инсонларни ҳидоят қилувчи Китоб сифатида тилга олинган:

﴿يَهْدِيْ بِهٖ اللّٰهُ مَنِ اتَّبَعَ رِضْوَانَهُۥ وَ سُبُلَ السَّلَامِ﴾

2. Мавъиза: Қуръони Карим тақводор инсонлар учун мавъиза ва панд-насиҳатдир.

﴿...وَمَوْعِظَةٌ لِّلْمُتَّقِيْنَ﴾

3. Раҳмат: Бошқа бир ояти каримада Қуръон аниқ ишонч ҳосил қиладиганлар учун ҳидоят ва раҳмат деб таништирилган:

﴿هُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُوقِنُوْنَ﴾ ишонч аҳли бўлган шахслар Аллоҳ таолонинг ваъдасига аниқ ишонадилар.

4. Башорат: Қуръони Карим иймонли инсонлар учун башорат ва суюнчли хабардир: ﴿وَنُشْرَى لِّلْمُؤْمِنِيْنَ﴾ Зеро, Тангри таоло мўъминларга уларнинг дунёдаги қилган саъй-ҳаракатлари ва жиҳодлари сабабли, ноз-неъматларга тўлиб тошган жаннатда абадий ҳаёт кечиришни ваъда қилган.

5. Басоир: Бошқа бир оятларда эса, Қуръони Карим «басоир» хусусияти билан тилга олинган. Зеро, Қуръон инсоннинг

равшан қарашлари, огоҳлик ва сергаклигига олиб келади:

﴿هَذَا بَصَائِرُ لِلنَّاسِ﴾

6. Баён: Аллоҳнинг сўнги китоби бўлмиш Қуръони Каримнинг яна бир хусусиятларидан бири, баёндир. Яъни Қуръон очиқ-ойдин баён бўлишидан ташқари, кўпгина ҳақиқатларни очиқловчидир:

﴿هَذَا بَيَانٌ لِلنَّاسِ﴾

7. Китоби Мубин: Кўпгина оятларда Қуръони Карим «Китоби Мубин» деб тавсиф этилган. Зеро, ушбу илоҳий китоб ҳамма инсонлар учун тушунарли ва очиқ-ойдин маъно ва мазмунларга эгадир.

﴿قَدْ جَاءَكُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ وَكِتَابٌ مُبِينٌ﴾

8. Нур: Моида сурасининг 15-оятида шундай айтилган:

﴿قَدْ جَاءَكُمْ مِنَ اللَّهِ نُورٌ﴾ Нур ёруғ ва ёруғлик берувчи бўлганидек, Қуръони Карим ҳам равшан ва ёруғ таълимотларга эга бўлган илоҳий китобдир. Шунингдек, Қуръон ўзининг ёруғлиги билан башариятга саодат ва нажот хушхабарини берувчи сирасрорларни очиқлаган.

Қуръони Каримда Қуръоннинг бошқа хусусиятлари ҳам зикр қилинган бўлиб, келгуси дарсда уларни баён қиламиз.

Озод машқ: Бу машқ Қуръони Каримнинг кўпроқ оятларини таржима қилишга қизиқиши бўлган азиз Қуръон ўрганувчилар учун кўзда тутилган.

Янги ва таниш сўзлар	Қуръоний иборалар ва оятлар
ваҳий қилинди: أُوحِيَ огоҳлантираман: أُنذِرُ لِأُنذِرُ: огоҳлантиришим учун	۱. وَأُوحِيَ إِلَيْكَ هَذَا الْقُرْآنُ لِأُنذِرْكُمْ بِهِ (Анъом: 19)
тўплансалар, اجْتَمَعَتْ тўпланди инсонлар, инсон: الْإِنْسُ жинлар, жин: وَالْحِينُ келтиришлари: أَنْ يَأْتُوا بِ- لَا يَأْتُونَ بِ-: келтирмайдилар	۲. قُلْ لَّيْنِ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْحِينُ عَلَىٰ أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ (Исро: 88)
баён қилдик: صَرَفْنَا хар, ҳар хил: كُلِّ мисоллар: مَثَل	۳. وَلَقَدْ صَرَفْنَا فِي هَذَا الْقُرْآنِ لِلنَّاسِ مِنْ كُلِّ مَثَلٍ (Қаҳф: 54)
сенга берилади, تُلَقِّنُ қабул қилиб оласан назд, даргоҳ: لَدُنْ ўта ҳикматли: حَكِيم	۴. وَإِنَّكَ لَتُلَقِّنُ الْقُرْآنَ مِنْ لَدُنْ حَكِيمٍ عَلِيمٍ (Намл: 6)

<p>эгриликсиз, غَيْرَ ذِي عَوَجٍ . кинғирликсиз шояд, зора: لَعَلَّ қўрқсалар, يَتَّقُونَ . тақволи бўлсалар</p>	<p>۵. فُرْأَنَا عَرَبِيًّا غَيْرَ ذِي عَوَجٍ لَعَلَّهُمْ يَتَّقُونَ (Зумар: 28) </p>
<p>муфассал баён: فَصَّلَتْ қилинган биладилар: يَعْلَمُونَ</p>	<p>۶. كِتَابٌ فَصَّلَتْ آيَاتُهُ فُرْأَنَا عَرَبِيًّا لَقَوْمٍ يَعْلَمُونَ (Фуссилат: 3) </p>
<p>балки: بَلْ улуғ, шукуҳли: مَجِيدٌ лавҳ: لَوْحٌ сақланган: مَحْفُوظٌ</p>	<p>۷. بَلْ هُوَ فُرْأَانٌ مَّجِيدٌ * فِي لَوْحٍ مَّحْفُوظٍ (Буруж: 21-22) </p>

27-Дарс Қуръоннинг хусусиятлари (2)

Азиз Қуръон ўрганувчилар!

Дастлаб дарс оятларини бир марта диққат билан ўқинг.
Сўнгра, сизга таниш бўлган ва маъносини билганингиз
ибораларни (+) кўрсатгичи билан белгиланг.

(Бақара: 213) ۱. وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ فِي مَا اخْتَلَفُوا فِيهِ

(Нисо: 174) ۲. يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا مُّبِينًا

(Исро: 9) ۳. إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَفْضَلُ

(Исро: 82) ۴. وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ

(Наҳл: 89) ۵. وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تَبْيَانًا لِّلْكُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً وَبُشْرَىٰ لِّلْمُسْلِمِينَ

(Ҳижр: 9) ۶. إِنَّا نَحْنُ أَنْزَلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ وَحَافِظُونَ

.....

(Сод: 29) ۷. كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبَارَكٌ لِيَدَّبَّرُوا آيَاتِهِ

.....

(Зумар: 23) ۸. ... اللَّهُ نَزَّلَ أَحْسَنَ الْحَدِيثِ... ذَلِكَ هُدَى اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَنْ يَشَاءُ

.....

(Фуссилат: 41) ۹. إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالذِّكْرِ لَمَّا جَاءَهُمْ وَإِنَّهُ لَكِتَابٌ عَزِيزٌ

.....

(Шуро: 17) ۱۰. اللَّهُ الَّذِي أَنْزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَالْمِيزَانَ

.....

1. «نَحْنُ» сўзини бу ерда «ўзимиз» деб, таржима қилинг.

2. «مُبَارَكٌ» сўзини «أَنْزَلْنَاهُ» дан олдин таржима қилинг.

Таниш ва янги сўзларнинг жадвали

Таниш ва янги сўзларнинг маъносини ўқиб ўрганиб, уларни хотирангизда сақланг. Ундан кейин, оила аъзоларингиздан бири, сўзларни ва уларнинг маъноларини сиздан сўрасин. То сўзларнинг маъноларини билишингизга ишонч ҳосил қилинг.

Маънолар	Таниш сўзлар		Маънолар	Янги сўзлар	
яхшироқ, гўзалроқ, энг яхши, энг гўзал	أَحْسَنَ	۱	сўз	حَدِيثٌ	۱
ихтилоф қилдилар	اِخْتَلَفُوا	۲	Қуръон, эслатма эсга олиш, эсда тутиш	ذَكَرَ	۲
тўғрироқ, энг тўғри, энг мустаҳкам	أَقْوَمَ	۳	раҳмат	رَحْمَةً	۳
шундай кишики, шундай нарсаки, ган	الَّتِي	۴	шифо, даво	شِفَاءً	۴
хужжат, очик далил	بُرْهَانٌ	۵	ўлчов воситаси- мезон, меъёр	مِيزَانٌ	۵
баён қилувчи	تَبْيَانٌ	۶			
сақловчилар, асровчилар	حَافِظُونَ - حَافِظِينَ	۷			
кофир бўлдилар, куфр келтирдилар	كَفَرُوا	۸			
пайгида, вақтида	لَمَّا	۹			
Биз	نَحْنُ	۱۰			
нозил қилдик, туширдик	نَزَّلْنَا	۱۱			
нозил қиламиз, туширамыз	نُنَزِّلُ	۱۲			
у (аёл жинси)	هِيَ	۱۳			

хукм қилади, хукм қилса	يَحْكُمُ	۱۴			
тафаккур қилишлари, тадаббур қилишлари	يَدَّبَّرُوا	۱۵			

Машқлар ва саволлар

Биринчи машқ: Қуйидаги машқларда тўғри жавобларни топиб белгиланг.

А. Қайси маъно тўғри?

۱. اَلَّتِي - لَمَّا:

- а) вақтида – шундай кишики
- б) ган – пайтида

۲. كَفَرُوا - يَدَّبَّرُوا:

- а) кофир бўлдилар – тафаккур қилишлари
- б) куфр келтирадидилар – тадаббур қилдилар

۳. نَبِيَّانَ - مِيْرَانَ

- а) баён қилувчи – ўлчов воситаси
- б) меъёр – баён қилувчи

۴. نَحْنُ - هِي

- а) биз – улар
- б) биз – у

۵. نَزَّلْنَا - نُنَزِّلُ

- а) нозил қиламиз – нозил қилдик
- б) туширдик – тушираамиз

Б. Қайси сўз, тўғри жавобдир?

1. Шифо, баён қилувчи:

(الف) شِفَاءٌ - مِيزَانٌ

(ب) شِفَاءٌ - تَبْيَانٌ

2. Очиқ далил, сақловчилар:

(الف) بُرْهَانٌ - حَافِظُونَ

(ب) حَدِيثٌ - مُبَارَكٌ

3. Ихтилоф қилдилар, ҳукм қилади:

(الف) اِخْتَلَفُوا - يَحْكُمُ

(ب) كَفَرُوا - يَحْكُمُ

4. Энг тўғри, эслатма:

(الف) حَافِظُونَ - ذِكْرٌ

(ب) أَقْوَمٌ - ذِكْرٌ

5. Энг яхши, баракотли:

(الف) أَحْسَنٌ - مُبَارَكٌ

(ب) أَقْوَمٌ - مُبَارَكٌ

Иккинчи машқ: Ҳар бир иборанинг тўғри маъносини белгиланг.

١. إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالذِّكْرِ:

а) Шундай кишиларки, Қуръонга кофир бўлдилар

б) Албатта, Қуръонга кофир бўлганлар

٢. تَبْيَانًا لِكُلِّ شَيْءٍ:

а) Ҳар бир нарсани баён қилувчи

б) Ҳамма нарсани баён қилади

1. « لِي » сўзи бу ўринда «учун» деб таржима қилинмайди, балки «ни» (тушум келишиги) шаклида таржима қилинади.

۳. أَنْزَلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ وَالْمِيزَانَ:

- а) Нозил қилди китоб (Қуръон)ни ҳақ билан ва ўлчов воситасини
- б) Нозил қилади китоб (Қуръон)ни ҳақни ажратувчи мезон билан

۴. يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ:

- а) Энг мустаҳкам нарса (йўл)га ҳидоят қилувчидир
- б) Ҳидоят қилади энг тўғри нарса (йўл)га

۵. إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ:

- а) Биз Қуръонни нозил қилувчидирмиз
- б) Албатта, Биз Ўзимиз Қуръонни туширдик

Учинчи машқ: Энди эса, дарс сўзларининг маъноларидан фойдаланиб, қуйидаги Қуръоний ибораларни таржима қилинг.

Ўзбекчага таржима	Қуръоний иборалар	Қатор
	قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ	۱
	وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكُمْ نُورًا	۲
	وَنُزِّلَ مِنَ الْقُرْآنِ	۳
	مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ	۴
	لَمَّا جَاءَهُمْ	۵
	وَأِنَّهُ وَلِكِتَابٍ عَزِيزٌ	۶
	وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ	۷
	اللَّهُ نَزَّلَ أَحْسَنَ الْحَدِيثِ	۸
	ذَلِكَ هُدَى اللَّهِ	۹
	يَهْدِي بِهِ مَن يَشَاءُ	۱۰
	كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ	۱۱
	لِيَذَّبُرُوا آيَاتِهِ	۱۲
	إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ	۱۳
	لِيُحْكَمَ بَيْنَ النَّاسِ	۱۴
	فِيمَا اختلفُوا فِيهِ	۱۵
	وَإِنَّا لَهُ وَلِحَافِظُونَ	۱۶

Тўртинчи машқ: Қуйидаги Қуръоний ибораларни ўқинг ва уларнинг таржимасини тўлдиринг:

۱. يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ:

..... одамлар келди сизларга

Парвардигорингиз

۲. إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا بِالذِّكْرِ لَمَّا جَاءَهُمْ:

Зотан, кофир бўлдилар уларга
вақтида

۳. ذَلِكَ هُدَى اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَنْ يَشَاءُ:

..... Аллоҳнинг ҳидоятидир унинг билан
хоҳлаган

۴. كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبَارَكٌ لِيَدَّبَّرُوا:

Муборак бир китобдирки, уни тафаккур
қилишлари

۵. وَأَنْزَلَ مَعَهُمُ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ لِيَحْكُمَ بَيْنَ النَّاسِ:

Ва улар билан ҳақ-ла, орасида учун

Бешинчи машқ: Энди эса, биринчи машқдан бошлаб тўртинчи машқларни бажариб, дарс сўзларининг ҳамма маъноларини ўргангач, дарсинг биринчи бетдаги Қуръоний ибораларини алоҳида ва сўзма-сўз услубда таржима қилишга киришинг.

Қуръони Карим тили

Вазндош калималар

Турдош калималар аслий ҳарфларни ўз ичига олишда муштарак эканини ўрганиб олдик. Бошқа турдаги муштараклик ҳам калималарда мавжуд бўлиб, остки мисоллар билан уларни баён қиламиз:

۱. خَالِقٌ - رَازِقٌ - عَالِمٌ - فَالِقٌ - سَاجِدٌ
۲. مَحْمُودٌ - مَعْرُوفٌ - مَظْلُومٌ - مَنصُورٌ - مَنقُوصٌ
۳. رَجِيمٌ - عَلِيمٌ - بَصِيرٌ - خَيْرٌ - حَمِيدٌ

Юқоридаги уч гуруҳ калималарнинг ҳар бири муайян бир муштараклик хусусиятига эга, шу сабабдан улар бир вазн ва бир оҳангда талаффуз қилинадилар. Аммо уларнинг аслий ҳарфлари турдош калималарга зид ўлароқ, бир-бирларидан фарқ қилади. Мисол тариқасида, биринчи гуруҳга оид калималарда аслий ҳарфлар қуйидаги тартиб бўйича:

(خ ل ق)، (ر ز ق)، (ع ل م)، (ف ل ق)، (س ج د)

Лекин ушбу гуруҳ калималарга диққат билан назар солсак, уларнинг ҳаммасига аслий бўлган уч ҳарфдан ташқари «الف» ҳарфи қўшилган бўлиб, зойд (қўшимча) ҳисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу калималардаги аломатлар ва ҳаракатлар бир хилдир.

Иккинчи гуруҳ калималарда «م» ҳарфи сўзнинг аввалида ва «و» ҳарфи сўзнинг охириги ҳарфидан олдин зойд ва қўшимча ҳарф бўлиб келган. Учинчи гуруҳ калималарда эса, «ى» ҳарфи сўзнинг сўнги ҳарфидан олдин қўшимча ҳарф бўлиб келган. Бундай калималарга «*вазндош калималар*» дейилади.

Бинобарин, биринчи гуруҳ калималар бир-бирлари билан

вазндош бўладилар, шунингдек, иккинчи ва учинчи гуруҳ калималарининг ҳар бири «*вазндош калималар*» мажмуини ташкил этадилар.

Эсда тутинг:

Аслий ҳарфлари бир-биридан фарқли бўлган, бироқ зои� ҳарфлари ҳамда аломатлари ва ҳаракатлари бир хил бўлган калималар, «*вазндош калималар*» деб номланади.

Қуръони Карим таълимотлари билан танишамиз

Қуръоннинг хусусиятлари (2)

Ўтган дарсда Қуръони Каримнинг айрим хусусиятлари айтилди. Бу дарсда ҳам ушбу инсонпарвар китобнинг бошқа бир хусусиятларини баён қиламиз:

1. Бурҳон: Ушбу сўзнинг араб тилидаги маъноси мустаҳкам далил бўлиб, ҳеч қандай хато ва янглиш унинг томон йўл топа олмайди. Аллоҳ таоло Қуръонни бурҳон ва мустаҳкам далил сифатида таништирган. Қуръони Каримнинг илмий мустаҳкамлиги ҳеч ким Қуръонга раҳна сола олмаслигига сабаб бўлган:

﴿يَا أَيُّهَا النَّاسُ قَدْ جَاءَكُمْ بُرْهَانٌ مِّن رَّبِّكُمْ﴾

2. Шифо: Ушбу самовий китоб инсонларнинг ботиний дардларига шифо берувчидир. Қуръоннинг эътиқодий оятлари куфр, ширк ва нифоқдан иборат ботиний хасталикларни қалблардан бартараф этади ва Қуръоннинг ахлоқий кўрсатмалари ҳасад, кибр-ҳаво, ғурур, ёлғон сўзлаш, ғайбат ва ҳоказолар каби касалликларни даволайди. Ушбу касалликлар жамиятдаги инсонларнинг руҳий саломатлигини таҳдид остига қўяди. Қуръоннинг иқтисодий ва молиявий қонун-қоидалари ҳам айирмачилик ва адолатсизлик дардини инсонлар жамиятидан таг-томири билан йўқотади.

Маълумки, фақат Аллоҳнинг ушбу китобига чиндан ҳам иймон келтирган кишиларгина унинг шифобахш нусхасидан баҳраманд бўла оладилар:

﴿وَنَزَّلْنَا مِنَ الْقُرْآنِ مَا هُوَ شِفَاءٌ وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ﴾

3. Энг мустаҳкам ва тўғри йўлга ҳидоя қилувчи: Қуръоннинг дастури ва йўл-йўриқлари бутун башариятнинг

саодатини таъминлай оладиган ягона ҳаётбахш дастур ва кўрсатмалардир:

﴿إِنَّ هَذَا الْقُرْآنَ يَهْدِي لِلَّتِي هِيَ أَقْوَمُ﴾

4. Тибён: Қуръони Карим инсонларнинг ҳидояти ва саодати учун зарур бўлган борлиқ оламдаги барча ҳақиқатларни баён қилган. Шу сабабдан Аллоҳ таоло Қуръонни ҳамма нарсани баён қилувчи китоб деб, билади:

﴿وَنَزَّلْنَا عَلَيْكَ الْكِتَابَ تِبْيَانًا لِّكُلِّ شَيْءٍ﴾

